14 АПР 1993

Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Нархи: 10 сўм

1993 йил 9 апрель, жума № 62-63 (21.414).

МАМЛАКАТ ПРЕЗИДЕНТИГА МАКТУБЛАР

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Биз, Бухоро вилоятида истиқомат қилаётган Ахисха турклари, Сизга жумҳуриятимизнинг катта оиласида тенг, фаровон яшашимизни таъминлаш ишида фидокорлик қилаётганингиз учун самимий миннатдорлик билдирамиз.

Сизнинг ҳар сафар, Ўзбекистонда яшаётган фуқаролардан бирортасининг ҳам, миллатидан қатъи назар, бўрни қонашига йўл қўймаймиз, деган сўзларингиз биз, бухоролик туркларнинг умидимизга қанот бағишламоқда.

Сиздек узоқни кўра биладиган раҳбарнинг халқимиз тақдири, бахт-саодати учун толмас курашчи сифатида олиб бораётган оқилона сиёсати ўз самарасини бермоқда. Сизнинг Туркияга қилган сафарингиз бу хайрли ишларни бошлаб берди. Ҳар иккала халқ ўртасидаги қадимий дўстликни қайта тиклаш ва янада мустаҳкамлашдек буюк ишга қўшаётган ҳиссангиз учун кўпдан-кўп раҳматлар айтамиз.

Сизни ишонтириб айтамизки, ўзбек ва турк халқлари улуғ мақсад — Ўзбекистоннинг порлоқ келажагини таъминлаш йўлида қон-қардошлигига содиқ қолиб, дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлайверадилар.

Бухорои шарифда ташкил этилган Турклар миллий маданий маркази ҳам ана шу олижаноб ишларни амалга ошириш учун хизмат қилади.

Бухородаги Турк миллий маданий маркази раиси

Комил СУЛАЙМОН ўғли ШАҲРИЕВ

ЎЗБЕКИСТОН—ТУРКИЯ:

ХУШ КЎРДИК, АЗИЗ БИРОДАРЛАР!

7 апрель куни Тошкент аэропортида мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Туркия Республикаси Президенти Турғут Ўзол бошчилигидаги расмий делегация аъзоларини кузатиш маросими бўлди.

Ҳар икки мамлакат Президентлари оммавий ахборот воситаларига берган баёнотларида ниҳоясига етаётган сафар ғоят самарали бўлганини алоҳида таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов олий мартабали меҳмон — Турғут Ўзол жанобларини бутун сафар давомида жумҳуриятимиз раҳбарларигина эмас, оддий меҳнаткаш халқ ҳам улкан меҳр-муҳаббат билан қарши олганини ифтихор билан қайд этди. Бу халқимиз орасида Туркия Президентининг обрўси ортиб бораётганидан далолатдир. Халқимиз жаноб Турғут Ўзолнинг ўзбек — турк дўстлигини мустаҳкамлаш борасидаги ҳиссасига юксак баҳо бермоқда. Аслида биз — ўзбеклар ва турклар икки алоҳида мамлакатда яшаётган бир халқмиз, деди Ўзбекистон Президенти.

Туркия давлат раҳбари сафар давомида муҳим ҳужжатлар имзоланганидан мамнунлиги изҳор этар экан, бўлиб ўтган музокаралар, муҳокоталар натижалари ўзбек ва турк халқларининг 11-12 асрлардан бошланган иқтисодий, маданий алоқалари ривожига янада кенг имкониятлар очажагига ишонч билдирди.

Сўнг Туркия Республикаси Президенти Ўзбекистон давлат ва ҳукумат раҳбарлари, тайёрагоҳда ҳозир бўлган дипломатия ваколатхоналарининг вакиллари билан самимий хайрлашди.

Олий мартабали меҳмон ва унга ҳамроҳлик қилаётган расмий делегация аъзолари Бишкекка жўнаб кетдилар.

Делегация аъзоларини республика Олий Кенгаши Раиси Шавкат Йўлдошев, Бош вазир Абдулҳошим Муталов, Тошкент шаҳар ҳокими Адҳамбек Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ЎзА).

ОТА ЮРТ САНЪАТИ

Туркия Республикаси Президенти Турғут Ўзолнинг она юртимизга расмий сафари қондош, эгизак икки мамлакат халқининг дўстлигини мустаҳкамлаш йўлида янги ҳисса бўлиб қўшилди. Ришталари халқимиз тарихининг энг чуқур манбаларига бориб тақалган бу дўстликни Чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсати туфайли узиб ташлаш учун бир асрдан зиёд уринилди. Бухоро инқилобидан кейин Туркияда таҳсил кўрган ёшларнинг барчасига пантуркизм тамғаси қўйилиб, ўттизинчи йилларнинг охирида нобуд қилинди.

Эндиликда Ўзбекистоннинг мустақиллиги туфайли бу дўстлик янги куч-қудрат билан илдиз отаяпти. Биз, бухоролик қариялар олий мартабали меҳмоннинг Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов ҳамроҳлигида шаҳримизга қадам ранжида қилганини зўр хурсандчилик билан кутиб олдик. Зероки, бу туфайли қардошларимизга миллий санъатимизни кўз-кўз қилдик. Бу улар учун ота юрт санъатидир.

Сафар пайтида Ситораи Моҳи хосса миллий ҳунармандчилик музейидаги бадиий буюмлар билан танишган меҳмонлар бухороликлар санъатига қойил қолишди. Меҳнат жамоамиз бу санъатни асрабавайлаш учун куч-ғайратини аямаяпти.

Фабрикамизни ёпиқ шаклда акционерлик корхонасига айлантираяпмиз. Ҳар бир зардўз баҳолиқудрат умумсармоясига ўз ҳиссасини қўшаяпти. Энди корхонамизнинг ҳақиқий хўжайни бўлаяпмиз. Бу ҳам мустақиллик шарофатидир.

Нурмат СУЛТОНОВ,
Бухоро зардўзлик фабрикаси меҳнат фахрийси.

«Ўзбекистон овози»нинг 75 йиллигига

СУРАТДА: Нарзулла ота Ҳожиев.



СУВ КЕЛТИРГАН— ЭЛДА АЗИЗ

Ховос райони уруш ва меҳнат фахрийлари, бутун меҳнат аҳли уларнинг асрий орзуларини рўёбга чиқараётгани учун республика Президентига чексиз миннатдорчиликларини изҳор этмоқдалар

НАРЗУЛЛА ҲОЖИЕВнинг ким ва қандай инсон эканини ховосликлар яхши биладилар. У киши ўз юртининг фахрига айланиб қолган. Унинг босиб ўтган катта ҳаёт йўли ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Балки ана шу фазилатлари учун ҳам кишиларга камдан-кам насиб этадиган бахт — республикамиз бош раҳбари ҳузурида бўлиб, халқ номидан гапириш насиб этгандир...

Мана, қанча вақт ўтса ҳамки, отахон ўша учрашув ҳақида фахр ва ҳаяжон ила гапиришдан тўймайди. Одамлар билсинлар, тушунсинлар, дейди отахон. Қанчадан қанча раҳбарлар, амалдорлар ўтди, лекин бизларнинг асрлар бўйи юракларимизни ўртаб келаётган, охир-оқибатда ҳаёт-мамотимиз бўлиб қолаётган дардларимизни фақат шу киши рўёбга чиқаришга жазм этдилар. Бундай жасорат, улкан яхшиликдан ҳаяжонланмай бўладими?

Сўнгра эса Нарзулла ота учрашув тафсилотлари ҳақида гапира кетдилар.

— Олдинига тоза дадил эдим, — дейди отахон хиёл жилмайиш билан, — кейин ҳузурларига кирганимдан сўнг у кишининг салобатлари босди, гапларимни йўқотиб қўйдим. Овозим ҳам чиқмай қолди. Умрим бино бўлиб, бундай аҳволга тушмаган эдим...

У киши аҳволимни сезиб, далда бердилар. Қўлимга бир пиёла чой тутқазишди. Кейин ўзимни ўнглаб олиб, юртимиз дард-ҳасратларини гапира кетдим.

Иирик давлат арбобларининг доимо вақтлари зиқ бўлади. Мен гапларимни чўзиб, у кишининг вақтларини олмаябманмикан, андиша қилди қария. Буни сезган Ислом Абдуғаниевич:

(Давоми иккинчи бетда).

• Долзарб мавзуда

ҲОСИЛ ТАҚДИРИ ЭКИШ СИФАТИГА БОҒЛИҚ

Юртимизга баҳор келиб, далаларимизда қўкламги экин-тикин юмушлари қизғин бошлаб юборилди. Айни пайтда республика жанубидаги пахтачиликка ихтисослашган хўжаликларда чигит экишга киришилди. Хўш, ҳозирги шароитда деҳқонларимиз нималарга эътибор беришлари керак?

Биринчи ва долзарб муҳим вазифа чигитни энг муқобил муддатларда сифатли қилиб экиш, тупроқнинг табиий намига ундириб олишдан иборатдир. Уруғлик чигитнинг сифатига қараб экиш, меъёрини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ. Шу кеча-кундузда чигит экишни тупроқнинг тури ва ҳолатига қараб табақалаштириш тавсия этилади. Дастлаввал, енгил, қумоқ ва шағаллик ерларга чигит экиш ижобий натижа беради.

Маълумки, экишни қисқа ва сифатли қилиб якунлашда механизациянинг роли беқиёс. Ҳозиргача республика хўжаликларида 21 мингдан зиёд сеялка техник кўрикдан ўтказилиб, бу хизматга шайлаб қўйилган. Улардан унумли фойдаланиш механизаторларнинг тажрибасига боғлиқ. Аммо шуни унутмаслик лозимки, сеялкаларни чигит экиш миқдори, уни тупроққа кўмиш чуқурлигини экишдан олдин аниқлаб ҳар бир даланинг ўзида созлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шуни ҳам эсда тутиш керакки, чигит экишни қисқа муддатда ва сифатли ўтказиш учун далада агрегатларни чигит, минерал ўғитлар ҳамда гербицид билан таъминловчи пунктлар ҳам ташкил этилиши лозим. Бу иш унумини ошириб, механизаторларга бирмунча қулайлик туғдиради.

1993 йилда республикамиз пахта майдонларида 28 та районлаштирилган, тезпишарлиги, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш талабларига мос белгилари билан бир-биридан фарқ қилувчи ғўза навларини жойлаштириш режалаштирилган. Сир эмас, об-ҳаво ноқулай келиши туфайли ҳар йили маълум миқдорда чигитни қайта экишга тўғри келяпти.

Шу боис ҳам, бу йил агар қайта экиш зарур бўлса, тезпишар С—4727, С—9070, Чимбой—3010, Тошкент—6 навлари чигитидан фойдаланиш тавсия этилади.

Хулоса шуки, юқорида кўрсатилган тавсиялар ҳар бир хўжаликдаги тажрибали мутахассис ва деҳқонлар билан маслаҳатлашиб, шу хўжаликнинг ўзига хос тупроқ-иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиш лозим. Шундай қилинса, чигит экишни пухта ва соз ўтказиш таъминланади.

* * *

Деҳқонларимиз қўкламнинг ғанимат кунларидан қандай фойдаланишяпти? Экиш мавсуми бошлагани муносабати билан уларнинг олдида турган муаммолар нималардан иборат?

Куни кеча республика Қишлоқ хўжалиги вазирлигида вазирликлар, вилоят, туман ва бошқа мутасадди идоралар раҳбарлари иштирокида алоқа тармоқлари орқали ўтказилган кенгашда ана шу саволларга ҳамжиҳатлик билан жавоб изланди. Мавсумни қисқа вақт ичида уюшқоқлик билан ўтказиш чоралари белгиланди.

Кенгашда республика қишлоқ хўжалиги вазири Н. Қаюмов сўзга чиқди. Анжуманни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков бошқарди.

ХДП ҳаётидан

БИРИНЧИ КОТИБ ВАЗИФАСИГА ЛОЙИҚМИ?

● Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгашининг навбатдаги бюро йиғилиши илгаригиларидан тубдан фарқ қилди. Бюро кун тартибидаги масала ХДП Томди район кенгашининг Республика Президентининг «Яйлов чорвачилиги ходимларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг қўшимча тадбирлари тўғрисида»ги фармонини бажариш юзасидан амалий фаолияти хусусида эди. Бу ҳақда район кенгаши биринчи котиби Зейнулла Еспенбетов ҳисобот бериши керак эди. Афсуски, котиб бетоблиги сабабли бюро мажлисида қатнашолмади. Район кенгашининг иккинчи котиби бюрода ҳисоб берди...

БЮРО мажлисида кўрилган масаланинг аҳамияти ва унинг олис Қизилқум кенгликларида меҳнат қилаётган чўпон-чўлиқлар ижтимоий ҳимоясига дахлдорлигига тўхталадиган бўлсак, вилоят кенгаши бу долзарб масалани бюро йиғилишига олиб чиқиб жуда тўғри иш қилган. Чунки Президентимизнинг бу фармонидан кейин Нурота, Конимех районларида қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Яйлов чорвачилиги ходимларига имтиёз ва қулайликлар яратилди. Бироқ Учқудуқ, Томди районларида фармон ижроси кўнгилдагидай эмас. Чўпон-чўлиқлар ғамхўрликлар билан қуршаб олинмаяпти. Айниқса, Томди районида аҳвол мураккаб. Энг оғир шароитда яшаб, меҳнат қилаётган яйлов кишилари ҳокимликнинг ҳам, ХДП район кенгашининг ҳам амалий кўмагини сезмаяпти. Келинг, бу фикримизни мисоллар билан ойдинлаштирайлик.

Томдида чорвачилик билан банд бўлган аҳолининг 470 нафари чўпон-чўлиқлардир. Улар 760 та қўйчилик отарларида ишлашади. Афсуски, ана шу қўйчивонларнинг учдан бир қисмида ҳалигача турар-жой бинолари йўқ. Улар қаҳратон қиш совуғида ҳам, иссиқ саратон гармселларда ҳам қора уйларда истиқомат қилишади. Оқибатда улар орасида ўпка хасталиги, камқонлик, сариқ касалликлари кенг тарқалган. Агар район бўйича бугунги кунда 26 киши ўпка сили, 6,5 минг киши камқонлик, 5,5 минг киши жигар хасталиклари билан оғриб, даволанаётганлигини қайд этадиган бўлсак, яйловдагилар шарт-шароити ниҳоятда оғир эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Районда болалар ўлими кўпайса кўпайяптики, камаймаяпти. Қани энди, район кенгаши ходимлари ташаббускорлик, ташкилотчилик кўрсатишса-ю, касалликка чалинганлар санаторий ва курортларга йўлланмалар билан таъминланса?

Йўлланма у ёқда турсин, район кенгаши ходимлари беморлардан ҳол-аҳвол сўрашни ҳам билишмайди. Энг ачинарлиси, бу — томдилик қорақўлчиларнинг ойлаб, йиллаб мева-чевага, ноз-неъматларга ёлчимаётганидир. Ҳатто район чорвадорлари қатъий тақсимот билан тарқатилаётган ун, ёғ, шакар, гуруч, гугуртни ҳам вақтида олишолмай сарсонлар. Қора уй ва ўтовлар у ёқда турсин ҳалигача аксарият ферма марказлари электрлаштирилмаган. Ичимлик сув ва табиий газ хусусида гапирмаса ҳам бўлади.

Баллонли газни ҳам олис яйловдагилар икки-уч ойлаб олишмайди. Буни кўпинча «Оёққудуқ», «Томди» давлат хўжаликлари отарлари мисолида кўриш мумкин. Қўйчивонларнинг яна бир ғашига тегаётган муаммо телекўрсатув ва радио эшиттиришлардан маҳрумликдир. Районда алоқа хизматининг ночорлиги туфайли чўпонлар ойлаб газета-журналлар олишмайди. Телевизор ва радиоларга эса батареялар умуман йўқ. Аммо ана шунча етишмовчиликлар бўлишига қарамасдан район кенгаши, унинг ижроия бюро аъзолари хотиржам.

Қани айтсинчи, район кенгаши биринчи котиби З. Еспенбетов қайси бир чўпон отарига баллонли газ ёки радио батареяси, қўйингки, оддий электр лампочкаси топиб беришда кўмаклашди экан? Фуқаролар амалий кўмаги бўлмагани учун ҳам З. Еспенбетовга ва у бош бўлган кенгаш аъзоларига мурожаат қилишмайди. Ана шундан бўлса керак, кенгашнинг район ҳокимлиги билан ҳам алоқаси айтарли узилиб қолган. Бу эса ҳимояга муҳтож чўпончўлиқлар туриш-турмушини янада оғирлаштирмоқда. Худди шу лоқайдлик, биринчи котибнинг масъулиятсизлиги туфайли бугунги кунда райондаги барча хўжаликлар болалар боғчаларини ёпиб қўйишган. Фақат буларгина эмас, кенгаш ёшлар билан ишлаш, уларнинг маданий дам олишларини уюштиришда ҳам «отангга бор, онангга бор», қабилида иш кўрмоқда. Ана шундан бўлса керак, бугун Томдининг 300 дан зиёд тоғни урса талқон қиладиган ёшлари беиш юрибди. Бу эса ўз навбатида районда жиноятчиликнинг кўпайишига олиб келмоқда.

Кенгаш ишининг издан чиққанлигини яна халқ депутатлари билан ишлашдаги узилишлардан ҳам билиш мумкин. 1992 йил январь ойида депутатлар гуруҳи тузиш ва унинг ҳаракатини жонлантириш тадбирлари ишлаб чиқилган бўлса-да ҳалигача бу иш ниҳоясига етказилмаган. Умуман олганда биринчи котиб районда партиянинг нуфузи учун ҳам, унинг обрўси учун ҳам бирор-бир жўяли иш қилаётгани йўқ. Буни қуйидаги рақамлардан ҳам билиш мумкин: собиқ КПСС даврида районда 1449 нафар партия аъзоси бўлган. Ана шуларнинг 518 нафари ариза билан ўтгани ҳолда бугунги кунда районда бор йўғи 678 нафар ХДП аъзоси мавжуд. Ўтган йили район бўйича атиги 36 киши Халқ демократик партиясига аъзо бўлиб кирган, холос. Жорий йилнинг ўтган даврида эса ҳаммаси бўлиб 6 нафар ишлаб чиқариш илғори партияга кирган. Бироқ кенгаш ишига ишончсизлик билдириб, партиядан чиқаётганлар бундан кўпроқ.

Энди, кенгашнинг бошланғич партия ташкилотлари билан алоқаси, партия ички ва ташқи сиёсати хусусидаги тарғибот-ташвиқот ишларига тўхталадиган бўлсак, бу борада ҳам биринчи котиб ташаббускорлик ўрнига сустлик қилаяпти. Районда бирорта ХДП аъзосининг иш тажрибаси оммалаштирилмаган ёки бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатилмаган. Партия фахрийларини эъзозлаш, уларнинг иш тажрибалари билан ўртоқлашиш ишлари ҳам ўлда-жўлда. Яъона сиёсий кунлар, лекция ва суҳбатлар, қўйчивонлар билан юзма-юз мулоқотлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Ўтган йили куз ойларида Томдида бўлган Ўзбекистон ХДП Марказий кенгаши биринчи котиби М. Расулов ҳам З. Еспенбетовга худди шу тарғибот-ташвиқот масалалари сустлиги, партия ҳаётини акс эттирувчи шиор ва кўргазмали воситалар йўқлигини таъкидлаб, огоҳлантириб кетган эди. Бироқ биринчи котиб бундан тегишли хулоса чиқариб олмади. Бундан ташқари, у вилоят кенгаши бюроси ва пленумларида ҳам бир неча бор огоҳлантирилди. Йўқ, барибир ўзгариш бўлмади. Айни пайтда район кенгаши иқтисодиёти ҳам пароканда. Бюджетда маблағ йўқ. Партия бадалларини йиғиш, уни ўринли сарфлаш, кичик корхоналар очиб, иқтисодиётни изга туширишни биринчи котиб хаёлига келтираётгани йўқ.

Хуллас, вилоят кенгашининг бюро йиғилишида қатнашиб, Томди районида бир ҳафта бўлиб, кенгаш ишини, фаолиятини обдон текширган ҳамда бюрога масала тайёрлаган комиссия фикридан келиб чиқиб, шундай савол туғилмоқда: биринчи котиб ҳозирги ишлаб турган вазифасига лойиқмикин?

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

УЛКАН СУВ ИНШООТИ ИШГА ТУШДИ

Қорақалпоғистон Республикасининг Тахтакўпир туманида сувни чучуклаштириб берадиган ноёб иншоот фойдаланишга топширилди. Уни туман аҳолисига Германия Федератив Республикасининг хайрия ёрдами сифатида Олмония Қизил хочи совға қилди. Қурилманинг ишга тушиши туфайли 17 минг аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланади.

8 апрель куни бу ерда сув иншоотни ишга туширилиши муносабати билан митинг бўлди.

Митингни Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси У. Аширбеков очди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси доктор Карл Хайнц Куна ва бошқалар сўзга чиқиб, мазкур иншоот Ўзбекистон билан Германия халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик белгиси эканини таъкидладилар.

Митингда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси Р. Йўлдошев иштирок этдилар.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН—ОЛМОНИЯ АЛОҚАЛАРИ

Республика Маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмасида Олмония Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси доктор К. Х. Куна билан учрашув бўлди.

Учрашув чоғида уюшма раҳбарияти билан Ўзбекистон ва Олмония жамоатчилиги ўртасида кўп томонлама алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. К. Х. Куна халқ дипломатиясини, икки мамлакат ўртасидаги маданий ва касб-кор ҳамкорлигини ривожлантиришга имкони борича кўмаклашаверишини уқтириб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Олмония Федератив Республикаси ўртасида иқтисодий, илмий-техникавий алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш зарурлиги таъкидланди.

(ЎзА).

ХАБАР

Тошкент олий ўқув юртларида таълим олаётган бир гуруҳ ажнабий талабалар 4 апрелга ўтар кечаси милиция соқчилик хизмати ходимларига ҳужум қилди. Ҳужум қилганлардан бири — Конго республикасининг фуқароси тўқнашув вақтида оғир яраланиб, ҳалок бўлди. Прокуратура идоралари жиноий иш қўзғади.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги Конго Республикасининг Москвадаги элчихонасига нота юборибди, содир бўлган воқеадан хабардор қилди.

Эртасига 5 апрель куни кечқолик талабалар Тошкентнинг марказий кўчаларидан бирида тартибсизлик чиқаришга уриниб кўрдилар. Жамоат тартибини ва Ўзбекистон Республикасининг митинг ҳамда намойишлар ўтказиш тўғрисидаги Қонунини бузганликлари учун улар милиция ходимлари томонидан ушлаб олинди. Қонунбузарлик ҳақидаги ҳужжатларни кўриб чиққан Сирғали тумани халқ судининг қарорига биноан ҳорижий талабалар маъмурий жавобгарликка тортилди. (ЎзА).

СУВ КЕЛТИРГАН—ЭЛДА АЗИЗ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

— Гапираверинг, отахон, сизларни тинглаш учун вақтимизни аямаймиз, — дедилар.

Бундан Нарзулла Ҳожиев кўнгли яна тоғдек кўтарилиб кетди ва бу ерга қандай ниятларда келган бўлса, барисини тўкиб солди...

Ниҳоят қария гапларини тугатганидан сўнг, Ислом Абдуғаниевич ёнида ўтирганларга юзландилар:

— Қишлоқларимизнинг ҳақиқий академиклари — мана шулар. Китоб қўлтиқлаган айрим олимлардан кўра улар қишлоқларимиз муаммоларини юз чандон яхши биладилар. Сўнг отахонга юзланиб:

— Фикрларингиз, таклифларингизнинг бариси тўғри. Биз уларни ўрганиб чиқамиз ва албатта сизларга ёрдам қиламиз. Ҳамқишлоқларингизни хотиржам қилинг. У ерга бир яхши одам боради. Ҳамма ишлар жойида ҳал этилади, — дедилар.

Сўнг отахон бир олам қувонч билан Тошкентдан юртига қайтиб келди. Бу ерда эса уни деярли бутун ҳамқишлоқлари сабрсизлик билан кутар эдилар...

Орадан кўп ўтмай ота номига Республика Вазирлар маҳкамасидан хат келди. Унда жумладан мана бундай дейилган эди:

«Сирдарё вилояти Ховос районидаги Тимирязев номли давлат хўжалигининг 2-бўлими Н. Ҳожиевга (совхоз аҳолиси учун).

Ховос райони аҳолисининг турмуш даражасини ошириш учун жумҳурият ҳукумати томонидан фармойиш қабул қилинди. Унда «Ховос» ва Тимирязев номли совхозларда боғлар ва узумзорлар барпо этиш учун 3600 гектар янги ерларни ўзлаштириш, насос станциялари каскадини қуриш назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги қурилиш бўйича буюртмачи, Ўзбекистон Республикаси Давлат сув хўжалиги қурилиш қўмитаси насос станциялари қуриш ва ер ўзлаштириш бўйича бош пудратчи қилиб белгиланди.

Ҳозирги вақтда кўрсатилган объектлар бўйича лойиҳалаштириш ва техник-иқтисодий асослашни тузиб чиқиш бошлаб юборилди. Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигига 1991 йилда ишларни бошлаб юбориш ва уларни капитал қурилиш режасига киритиш вазифаси топширилди. Белгиланган вазифалар назорат остига олинди. И. Ҳ. ЖЎРАБЕКОВ.»

КУЗГА бориб катта ишлар бошланиб кетди. Одамлар хурсанд, ҳамманинг оғзида шу гаплар.

Энди ўрни келганда бу жойларнинг узоқ эмас, яқин ўтмишига бир назар ташлаб олайлик. Бизга фикр берувчи суҳбатдош — албатта, Нарзулла ота Ҳожиев бўладилар.

Ховос — Сирдарё вилоятида ҳудудининг кенглиги жиҳатидан энг йирик райондир. Унинг умумий ер майдони 104 минг гектарга қулоч ёйган. Лекин ҳозирча шундан бор йўғи 20 минг гектарга яқини деҳқончилик, токчилик ва боғдорчилик мақсадларида фойдаланиб келинаётир, холос. Мутахассислар, эл-юрт оқсоқолларининг таъкидлашларича, суғориш ишлари йўлга қўйиладиган бўлса, деҳқончилик қилинадиган майдонлар кўламини икки-уч ҳиссага ошириш мумкин.

— Ерларимиз тоза, шўрланмайди, сув бўлса бас—истаган ҳосилингизни олишингиз мумкин, — дейди Нарзулла Ҳожиев.

Бир пайтлар бу жойлар фақат боғ-роғлару ғаллазорлар эмас, айни пайтда булоқлар ҳам ўлкаси эди. Сойлардан шарақлаб муздек тоғ сувлари оқиб ётарди. Лекин вақт, одамлар ҳамма нарсани ўзгартириб юбормоқдалар.

Ховос қишлоқларида етиштириладиган кишмишларининг узоқ-яқинга донг таратганини эшитганлар ҳам бўлса керак. Шароф Рашидов бу ёқларга ҳар гал келганларида, Ховос майизларини Россия императори мақтаганини тилга олмасдан ўтмасдилар. Буларнинг бари — бор ҳақиқатлар. Афсуски, бизларнинг ўзимиз ҳалигача юртимизга Оллоҳ томонидан берилган бундай ажойиб неъматларни қадрлашга ўргана олмаётирмиз.

Узоқни қўйингу, дейди отахон суҳбат орасида, бундан атиги 35—40 йилча муқаддам ҳозирги Тимирязев номли давлат хўжалигидаги қишлоқларда етиштириладиган узумларни эслаб ҳайрон қоласан. Сармичдаги 60 гектарлик токзордан 170 тонна атрофида юқори Сармичдаги 40 гектарлик токзордан 160 тонна, Жўлангардаги 40 гектарлик узумзордан 80 тоннадан ортиқ, қўшни Искандардаги кичик токзорлардан ҳам 10 тонна атрофида ҳосил олинар эди.

Атрофдаги катта-кичик жамоа хўжаликлари бирлашиб, «Ховос» совхози ташкил этилганда бу атрофда нари борса 1,5—2 минг аҳоли истиқомат қилар эди ва улар ўрта ҳисобда фақат токзорларнинг ўзидан 500—700 тоннага етказиб сара узум олар эдилар. Хўш, эндичи? Мана, таққослаш учун биргина мисол. Ҳозир фақат Тимирязев номли давлат хўжалигининг ўзидагина 668 хонадон, яъни 4117 аҳоли истиқомат қилмоқда. Хўжалик эса ўтган йили давлатга атиги бор-йўғи 16 тонна узум топширди, холос. Ана энди у ёғини ўзингиз тушуниб олаверинг.

Мундоқ ўйлаб қараганда, одамлар кўпайгани сари боғлар ҳам, токзору ғаллазорлар ҳам кўпайиши керак эди. Лекин ғалати жараён рўй берди. Одамлар кўпайдию, лекин уларнинг ризқ манбалари бўлган ўша нарсалар камая борди. Хўш, нега?

Отахоннинг фикрича, бунинг учун биринчи галда табиий иқлим шароитлари бўлса, иккинчи томондан одамларнинг ўзлари ҳам сабабчи.

Илгарилари қайнаб ётадиган булоқлардан ташқари юқоридан, яъни тоғ жилғаларидан оқиб келадиган сувлар ҳам мўл ва сероб эди. Йиллар ўтиши билан бу сувларни қўшни Тожикистоннинг Паши қишлоғидаги қўшнилар боғлаб оладган бўлдилар ва ўзларидан ортиб қолсагина пастга қўядиган бўлишди. Бора-бора эса улардан сувлар ортмайдиган бўлди.

Энди ховосликларнинг баҳорги сел сувларини тўплаб, шуларга умид боғлашдан ўзга чоралари қолмаётган эди. Сел йиғиш иншооти қурилди ҳам. Лекин у ҳам кутилган натижаларни бермаётир. Деярли ярим асрга мўлжалланган иншоот ҳозирнинг ўзидаёқ ишдан чиқиб қолмоқда. Лотоклар синган, тешилган, сув йиғиладиган ҳавзалар лойга тўлмоқда. Бу иншоотга астойдил ачиниб қарайдиган одам йўқ.

Қўриқ ерларга ҳужум бошланган йиллари кўплаб ховосликлар чўлга кетдилар. Ҳозир Боёвут, Гулистон, Меҳнатобод, Шароф Рашидов, Оқолтин районларида бу заминнинг кўплаб ўғил-қизларини кўрасиз.

Лекин энди ўзлаштириладиган илгариги биз ўрганиб қолган катта ва кенг чўл қолмади ҳисоби. Мана энди вақти келиб бу жараён ҳам тўхтай бошлади. Одамлар ризқни, умид ва нажотни ўз юртларидан изламоқдалар. Шу аснода сув муаммоси биринчи ўринга чиқа бошлади. Хуллас, — сув ховосликлар учун ҳаёт-мамот муаммосига айланди.

Юртимиз халқлари бошига улкан бахт қўнди, дейди отахон, жумҳуриятимиз истиқлолга эришди. Ана шундай унутилмас, тарихий йилларда давлатимизга Ислом Каримов раҳбарлик қилмоқдалар. Тинчлигимиз, осойишталигимизни сақлаб, юртимизнинг порлоқ кунлари учун бошлаётган раҳбарни халқимиз қадрлайди ва унутмайди, дейди қария саминият туйғулари билан.

Парчаланиб кетган эски тузум давридан кўп жойларда оғир муаммолар, тангликлар ва ташвишлар мерос бўлиб қолди. Ховос райони сингари олис ҳудудларда — айниқса бундай муаммолар тўлиб-тошиб ётибди. Булар ҳақида юқорида айтиб ўтилди. Лекин баъзи муаммолар борки, улар ҳақида ҳар қанча гапирсанг оз. Айтайлик, ҳозир фақатгина «Ховос» ҳамда Тимирязев номли давлат хўжаликларининг ўзидагина эркакларнинг 50 фойизи, аёлларнинг эса 90 фойизи ишсизлардир.

Хўжаликлар аллақачон иқтисодий жиҳатдан яроқсиз бўлиб қолганлар. Боғлар, токзорлар қуримоқда, ғаллазорлар қисқармоқда яйловларда ўт-ўланлар қолмаётир. Подага емиш йўқ.

Унча-мунча қурилган маданий-маиший бинолар, ишлаб чиқариш воситалари маънавий эскирмоқда, уларни тиклаш, янгилашга эса пул, маблағ йўқ ва ҳоказо.

Ана шундай бир пайтда ҳамма умид — истиқлол берган бахтдан, демоқдалар одамлар. Қиламан деса — инсоннинг қўлидан ҳамма нарса келади. Гап ҳаракат ва баракатда.

Бозор иқтисодига ўтиш давридаги оғир шароитларга қарамай республикамиз Президенти ховосликларга катта мадад қўлини чўзди. Бу жойларда энг оғир ва азалий муаммо ечим топаётир. Ховоснинг олис қирларида жойлашган қишлоқларига газ ва сув келмоқда. Ҳукумат ана шу мақсадлар учун 2 миллиард сўмга яқин маблағ ажратди. Элюрт бу яхшиликни юксак қадрлайди ва ҳеч қачон унутмайди, дейишмоқда қишлоқ отахон ва онахонлари. Бунинг учун улар Ислом Каримовга минг бор қуллуқ демоқдалар.

Ҳозирги кунларда Янгиер — Жўлангар — Баландчақир сув йўли иншоотлари қурилишларида 250 га яқин киши меҳнат қилаётир. Бу хайрли ишларнинг бошлаб юборилганига ҳам мана икки йилдан ошаётир. Бу борада анчагина ишлар қилиб қўйилди. Жами узунлиги 95 километрга борадиган сув йўли қурилишига ҳукуматимиз 2 миллиард сўмга яқин маблағ ажратди. Сув йўлининг бош насос станциясини шу йилнинг 20 май кунига иш туширишга мўлжалланаётир.

Шу йилнинг суғориш мавсуми бошланадиган ойларда эса биринчи босқич забт этилади, яъни районнинг «Ховособод» давлат хўжалиги деҳқонлари ўз экинларини янги иншоот орқали, оқар сув билан суғора бошлайдилар. Биринчи ва иккинчи насос станциялари оралиғидаги 26,1 километрлик масофа забт этилиши учун ҳозирги кунларда қизғин иш олиб борилмоқда. Қурувчилар ва монтажчилар 1- ва 2-насос станциялари, улар оралиғидаги сув йўлларида ишларни кун сайин қизғин авж олдирмоқдалар. «Голодностепстрой» бошқармаси бош пудратчи ролини ўтаётир. Уларга 7—8 та пудратчи ташкилотлар қизғин ёрдам беришмоқда.

Мазкур сув йўли қурилишининг сўнгги босқичини 1994 йилнинг охирига бориб якунлаш режаси тузилган. Бунинг учун барча имкониятлар етарли. Янгиер—Жулангар—Баландчақир сув йўли қурилиши учун Россия Федерациясининг 7—8 вилоятидан энг керакли, зарур маҳсулотлар келтирилмоқда. Қурилиш ишларининг бориши билан Вазирлар маҳкамаси раисининг биринчи муовини Исмоил Ҳакимович Жўрабековнинг ўзлари шахсан шуғулланмоқдалар. У киши йилига уч-тўрт бор бу ерга ташриф буюриб, вазиятдан бевосита хабардор бўлиб турибдилар ҳамда зарур бўлган амалий ёрдам чораларини кўрмоқдалар. Бу ерда тузилган қурилиш штабига эса вилоят ҳокими Б. Маҳмудов раҳбарлик қилмоқда. Ховос районининг юқори ҳудудларига сув ҳамда газ олиб чиқиш ишлари шахсан Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг назоратида турибди.

Сув йўли қурилиши билан биргаликда Ховос қишлоқларига табиий газ олиб бориш ишлари ҳам қизғин бошлаб юборилди. «Ўзбекнефтгаз» саноати миллий корпорациясининг вилоятдаги ташкилоти бу борада жонбозлик қилмоқда. Монтажчилар ўтган сал кам икки ойлик давр мобайнида 8 чақиримлик масофага қувур ётқизидилар. Газчилар шу йилнинг ўзидаёқ 74 чақирим масофага газ ўтказиб, район меҳнаткашларини хушнуд этмоқчилар. Ана шу мақсадда ҳозир 40 нафар монтажчи астойдил меҳнат қилмоқда. Кўзланаётган режалар амалга ошиб қолса ҳадемай районнинг Учтурган, Совет, Жўлангар, Пастчақир, Баландчақир ҳамда бошқа қишлоқлар аҳолиси хонадонларида табиий газ пайдо бўлса ажаб эмас.

...Ана кўряпсизми? Кекса боғбон ва соҳибкор, эл-юрт оқсоқоли Нарзулла Ҳожиевнинг қувонганича бор. Зар қадрини — заргар билар, деганларидек, қирлардаги қишлоқларга олиб чиқилаётган оқар сув ҳамда табиий газ қадрини — ана шу заҳматкаш инсонлардан сўранг, дегинг келади.

— Отахон, — дедик биз у кишига мурожаат этиб суҳбатимиз сўнггида, — ҳар қанча гаплашмайлик, фақат ишлар, муаммолар ҳақида куйиб-ёниб айтасиз, ўзингиз ҳақингизда эса ҳозирча бир сўз ҳам деганингиз йўқ. Урушда қатнашиб, мислсиз жасоратлар кўрсатган экансиз, сизни «ўлди»га чиқаришиб, қабрингизни ҳам яратган экан. Сиз жанг қилган танк ҳозир ҳам Ленинград (Санкт-Петербург) музейида турганмиш.

Отахон мамнун жилмайиб қўйдилар. Рости, биз энди ана шу борадаги мароқли ҳикояларни кутган эдик. Лекин отахон бу сафар гапни қисқа қилди:

— Ўзим ҳақимда нима ҳам дердим? Лотин алифбосида 7-синфни битирганман. 17,5 ёшимда Армияга олдилар. Беш йил қаттик жанг қилдим, беш маротаба оғир яраландим, бир мартобасида деярли бутун суякларим майдаланиб кетган экан, бу — шифокорларнинг гапи. Биринчи гуруҳ уруш ногиронман. Ризқим узилмаган экан, мана шу пайтгача одамлар орасида юрибман. Ёшим етмишга кирди, урушдан ташқари бутун умримни ота юртим — мана шу қишлоғимда, ўз элим орасида ўтказдим. Энг катта «амалим» — бўлим бошлиқлиги бўлган. Ундан пастда турадиган барча ишларни қилганман. Умуман иш танлаган, меҳнатни ажратган одам эмасман.

Етмиш йил мобайнида юртимизга кўп раҳбарлар келиб кетди. Усмон ота Фарҳод ГЭСини қурдилар, Фарғона каналини қазитдилар, Шароф Рашидов отамиз Мирзачўлни ўзлаштириб берди, Сирдарё ГРЭСини қурди, бизнинг қишлоқларимизга ҳам келиб, Қизили орқали сув олиб келиб берамиз, бу жойларда янги район очамиз, дея бизларни мамнун этган эдилар. Раҳмат уларга.

Битмай қолган асрий орзуларимиз рўёбини Ислом Каримов орқали кўраётирмиз. Шунинг учун ҳам биз у кишига раҳмат, дейишдан чарчамаймиз ва толиқмаймиз. Мен у кишининг олдиларидан келганимдан сўнг хўжаликдан 10 гектарлик бўз ерни сўраб олдим. Мана икки йилдирки, у жойни обод, боғ-роғ этаяпман. Мақсадим — Ислом Каримов, Исмоил Жўрабековдек суюкли раҳбарларимиз номига катта, беқиёс боғ яратишдир.

Нима бўлса—ўтди-кетди. Энди юртимиз эртасини ўйлашимиз керак. Бу борада курашаётганларнинг омадини берсин, деди отахон. Шундан сўнг бошқа гапларга ўрин ҳам қолмади...

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўзбекистон овози»нинг 75 йиллигига

«ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МЕНИНГ!» Мунаввара

Қутби Носир қизи

ОЛТИН БЕШИГИМ МЕНИНГ

КАДИМИЙ Шошим менинг, ҳам кўзу қошим менинг. Оллоҳга шукурлар бўлсинким, мен сендек шаҳри азимда туғилдим. Мен туғилган кўча Қизил қўшин деб аталар, ундан нарида Қизил кўча, нарироқда Урсатьевск кўчаси бор эди. Аслида улар номи Тахтапул, Қумлоқ, Тепа маҳалла, Обжувозбўйи деб аталарди.

1966 йил зилзиласи шаҳар қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди. Шаҳарнинг туб аҳолиси уй қуриш учун шаҳардан ташқарига сурилиб чиқди. Марказга — тайёр уйларга эса қардошлар кириб олдилар. Шундан кейин номлар ҳам ўзгариб кетди. Ц—5, Ц—13 Северний Олмазор каби қовушмаган номлар...

Куни кеча бир дугонам қўлида ёзилган ўрисча манзилгоҳ «Северо-Восток квартал 17—18»ни қидиравериб сарсон бўлган.

— Буни қара, ўзимизнинг. Себзор экан-ку! Эртадан кечгача югуриб фиғоним ошди, деганига кўп бўлгани йўқ.

Она Тошкентим менинг — олтин бешигим менинг! Сенинг ҳар қарич тупроғинг ўзи бир тарих. Мен ана шу тарихнинг бир қатига сингиб яшаб чиққим келади. Улуғ алломаларинг, миллат туғини кўтарган курашчан ботирларингни ҳар бири билан ўз даврида яшаб суҳбат қургим, ўтмиш нафосидан, ҳали айнимаган, миллат руҳи уйғоқ, покиза нафасидан ҳид олгим келади.

Бир суҳбатда устозим Қуддус Муҳаммадий айтган эдилар. Ғафур Ғуломдан сўрашибди: «Сиз қомусий билимга эгасиз. Айтингчи, Чингизхон Шошга бостириб кирганда, унинг нимасига қизиқди экан?» Шунда олим ва шоир отамиз айтган эканлар: «Бекорга келадими, энг гуллаган яшнаган шаҳар, демак 3—4 асрлик тарихи бўлганки, душманни ҳам ўзига жалб этган».

Мен бу гапларни жуда кўп эслайман. Яна тарихга қайтгим келади. Эрамиздан аввалги II асрдаёқ Қанглуй давлатининг маркази Юни деб аталмиш бу шаҳар 2000 йиллик тарихга эга деган гапга шак келтиргим келади. Шаҳар тарихи, шоир айтганидек, ундан аввалроқ бошланмадимикан?

Сенинг номинг неча бор ўзгарди, она Тошкентим. Шош, Чоч, Бинкент. Ҳали араблар, ҳали мўғуллар томонидан неча бор таландинг. XIV—XVI асрга келиб, темурийлар ва шайбонийлар давридагина қаддингни ростладинг. Шайхованди Тоҳур, Кўкалдош, Бароқхон мадрасалари ана шу даврда кўркингга кўрк қўшди. Бухоро хонлиги, Қўқон хонлиги ўртасидаги талашлар, уларга қарамлик сенинг иқтисодий-маданий ҳаётингга катта таъсир этди. XIX асрга келиб сен ўз мустақиллигингни бутунлай йўқотдинг. 1865 йилга келиб эса сен Туркистон генерал губернаторлигининг марказига айланиб, Урусия ихтиёрига ўтдинг. Ўша даврда Туркистоннинг — сенинг мустақиллигинг учун, миллат қадри учун курашган Алимқул, Солиҳбек додҳоҳлар олдида бутун бир авлод таъзим этса арзийди.

Ана шундан сўнг сенинг бағрингдаги бойликларни- маданий осори атиқаларни аста-секин Урусияга ташиб кета бошлашди.

ОНА Тошкентим! Ўзинг кечиргил. Шу ерда туғилиб ўсиб, Ўзбекистон тарихини, Тошкент тарихини яхши билмаймиз. Мана, ҳатто Тошкент ҳақида ёзилган энциклопедия ҳам рус тилида битилган. Чунки ўқувчилик йиллари биз Урусия тарихини ўқиганмиз. Сенинг тарихингни ўрис олимлари ёздилар. Ёзганда ҳам ўзларига мослаб ёздилар. Ҳайрон қоламан. Ибн Сино, Беруний, Амир Темур ҳақида ёзилган китоблар муаллифи ҳам ўрис ёзувчилари. Нега? Жавоб излайман. Ўзимча фикрлайман. Бу ҳам ўша қатағон йиллар асорати. У бизнинг қалбимизда дард, етимлилик билан бирга қўрқув ҳам қолдирди. Балки чўчиш шундандир?

Тошкентда Инқилоб бўлганми ёки у экспорт қилинганми? Бу тарихчиларнинг иши. Аммо ёзувимизнинг икки бор ўзгаргани, тарихимизнинг топталгани, китобларнинг ёқиб юборилгани, йўқотилгани рост. Ўша даврнинг баъзи раҳбар зиёлиларидаги кўрқув уларни хиёнатга бошлаган ва биз бутунлай тарихимиздан узилиб қолдик.

Она Тошкентим менинг,
Олтин бешигим менинг,

Бу ўзгаришлар бари сенинг ҳаётинг билан боғлиқ. Шунинг учун эслаяпман мен.

Тарих тарих бўлибдики, дунёдаги барча истеъдодлар марказга интиладилар. Бобокалонларимиз бир пайтлар Бағдодга — Маъмун Академиясига интилган бўлсалар, сўнгроқ Самарқандга тўпландилар. Тошкент ҳам XX асрда энг юксак илмий-маданий марказга айланди. Ҳаётдаги энг катта ўзгаришлар ана шу ердан бошланади.

Она Тошкентим менинг. Тупроғингга чўп суқса ҳосил берадиган унумдор тупроқли ерларинг катта бойлигинг бор.

Отам айтардилар, Тошкент об-ҳавоси энг яхши жой. Негаки, тоққа яқин, сувга яқин. Афсуски, ана шундай жаннатмакон жойнинг тупроғи, ҳавоси заҳарланди.

Чирчиқ, Салор, Бўзсув, Кайковуслар неча-неча боғларни яшнатган, неча-неча хонадонни тўйдирган. Афсуски, энди биз унинг сувини ичишдан маҳруммиз. Негаки сувлар бўйига қурилган зил-замбил заводлар чиқити уларни заҳарлади. Ва биз «сувга тупуриб бўлмайди» деган доно гапни ҳам унутиб қўйдик. Отам айтардилар. Бувам мактабдор домла бўлиб, болохона тўла китоб экан. 37-йил қатағонининг совуқ нафаси хонадонимизга етиб келганда у китобларни кечаси қопда олиб бориб, дала ҳовлига кўмиб келишган экан. Пионер, комсомол бўламан, деб кўкрак кериб юрган пайтлар жуда лоқайд қараган эканман бу гапларга. Энди билсам, тузумимиз бизни лоқайд қилиб ўстирган экан. Бу нарса энди менга керак эмас, деб ўрганган эканмиз. Аммо, мен отам каби оддий, номозхон, меҳнаткаш кишилар ўз эътиқодида собит қолганига ҳали ҳам ҳайрон қоламан. Мана, биз коммунистик эътиқоддан осонгина воз кечдик-ку! Отам нега ўз эътиқодидан воз кечолмади. Чунки бу эътиқоднинг томири, илдизлари азалий қадриятлардан сув ичган, деб ўйлайман мен.

Худога минг қатла шукурким, отамнинг армонли кунлари ушалди, бу кунларни кўриш бизга насиб этди Қани энди Алихон тўра Соғунийлар — отам тенги авлод бир тирилсаю, кўз очиб юртимиз мустақил бўлганини, мадраса-мачитлар яна файзга тўлганини, мактабларда орзу қилиб келган ўз араб тили, эски ўзбек тили ўқитилаётганини бир кўришса, дейман.

Тошкентда қанча-қанча тарихий жойлар яна қайта тикланди. Мен туғилиб ўсган Октябрь райони Шайхонтоҳур тумани номини олди.

Тарихий қадриятлар тикланаётган ушбу дамларда болалигимни эслайман. Биз Хастимом деб юрган жойлар катта бозор бўлиб, ҳар чоршанба кунлари мол бозори ҳам бўларди. Энди билсам, шундай улуғ инсон ўтган бу жойлар имом Абубакр Муҳаммад ибн Али Исмоил ал Қаф фол ал Шоший дафн этилган, яъни ҳазрат имом дафнасидан иборат бу тарихий жой, унинг ёнидаги Диний назорат жойлашган бинолар атайлаб оёқости қилинган экан. Ҳайрият, бу жойлар яна ўз аслига қайтиб, бу ердаги кўчага ҳам Исмоил Шоший номи берилибди.

Наврўз арафасида ўзим туғилиб ўсган кўчаларни айланиб чиқдим. Яқин-йироқ танишларни кўрдим, ўзим ўқиган Маннон Уйғур номли 22-мактабда бўлдим. Ҳаммаёқда Наврўз нафаси, мустақиллик нафаси, эрк нафаси уфураётир. Одамлар Президентимиз Ислом Каримовнинг ушбу гапларини кўп такрорлашади:

«Халқ ҳамма нарсага чидаши мумкин, эртага қийин кунларга ҳам, очарчиликка ҳам, аммо билиб қўйинглар, у бир нарсага — адолатсизликка чидай олмайди».

АДОЛАТ нима ўзи? Тўғри сўзламоқ, тўғри ишламоқ, ҳалол билан ҳаромнинг, рост билан ёлғоннинг, яхши билан ёмоннинг фарқига бормоқ. Эсиз, эсиз, биз ана шу нарсаларнинг фарқига бормай қолган эдик-да. Адолат бор жойда ҳақ қарор топади. Афсус, ҳақиқатнинг йўли анчайин узун экан. Етмиш йил адашдик. Ниҳоят, худонинг берган неъмати мустақилликка эришдик. Энди унинг пойдеворини Адолатдан қурмоқ керак. Бу биргина Президентимизнинг иши эмас, у менинг ва сенинг, унинг — ҳаммамизнинг муқаддас вазифамиз, эътиқодимизга айланмоғи керак.

Она Тошкентим! Мустақиллик муборак сенга. Мен сенинг бағрингда туғилганимдан фахрланаман.

Қутби Носир қизи 1943 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. У Тошкент давлат университетини 1965 йилда битиргандан буён «Муштум» журналида ишлаб келмоқда. Демак, етмиш йиллигини нишонлаётган ҳажвий нашрнинг 28 йиллик тарихини жонажон жамоаси билан бирга яратаётир. Тўйбобонинг суюкли қизи Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, республика журналистлар уюшмасининг совриндори.

Республикамизда ижод қилаётган аёл журналистлар орасида Қутби Носир қизининг алоҳида ўрни бор. Унинг долзарб мавзуларда ёзган публицистик мақолалари, очерк ва лавҳалари ўқувчиларга манзур бўлаётир. Қутби Носир қизи «Ўзбекистон овози»нинг ҳам фаол муаллифларидан.

Ижодий камолот палласида турган ҳамкасбимизни эллигинчи баҳор билан кўп минг сонли газетхонларимиз номидан самимий табриклаймиз. Ҳаётингизни эзгу ишлар билан безайверинг, Қутбихон!

МАРТАБАНГ УЛУҒ БЎЛСИН, ТУРҒУТ!

Туркия Республикаси Президенти Турғут Ўзол раҳбарлигидаги расмий давлат делегациясининг мамлакатимизга ташрифи кунлари Туркия Республикаси Президентининг рафиқаси Самро хоним, Ўзбекистон Республикаси Президентининг рафиқаси Татьяна Каримовалар Тошкент шаҳридаги «Оналар ва болалар» марказига ташриф буюрдилар.

Шифохона фаолияти билан меҳмонларни Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи Қ. Ризаев таништирди. Меҳмонлар 365 ўринли мазкур шифо масканида беморлар учун барча қулайликлар яратилганининг гувоҳи бўлдилар. Аёлларнинг соғлиқларини тиклашда қўлланиладиган муолажалар, замонавий тиббиёт ускуналаридан оқилона фойдаланиш тартиблари Самро хонимда катта қизиқиш уйғотди. Мартабали меҳмон фикрича, ҳар бир жамиятда мамлакатларнинг обрўйи шу мамлакатнинг шаклланаётган авлод саломатлигини муҳофаза қилишга бўлган муносабати билан ўлчанади. Самро хоним келажагимиз ворисларига кўрсатилаётган бундай ғамхўрликлар мамлакатимиз раҳбарларининг эртанги кун эгалари ҳақида қайғураётганидан далолат эканини алоҳида таъкидлади. Тошкент тиббиёт раҳбари Қ. Ризаев яқин кунларда Республика Президенти И. А. Каримов фармони билан таъсис этилган «Соғлом авлод учун» ордени ҳақида гапириб берди. Мазкур орденнинг таъсис этилиши бу республикамиз келажаги, обрўи, равнақи, жамиятимизнинг ақлий ва маънавий бойлиги бўлган ёш авлоднинг соғлом вояга етишига ҳукуматимиз томонидан бўлган эътибор ва ғамхўрлик ифодаси эканини таъкидлади.

Меҳмонлар туғруқхона бўлимига ўтишганда янги кўзи ёриган Муяссархон Шофайзиева ўз фарзандига Турғут исмини қўйиш истагида эканлигини айтди. Бу ерга келганлар онага узоқ умр, сиҳат-саломатлик тиладилар, ёш Турғутга эса болалар араваси ва турли совғалар тақдим этдилар.

Абдумажид ЭРГАШЕВ.

Бахтиёр она М. Шофайзиева ва ҳамшира М. Мадалимова жажжи Турғут билан.

В. КИРИЛЛОВ олган сурат.

ТИНЧЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ЖАМҒАРМАСИ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

6 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Тинчлик ва ҳамжиҳатлик жамғармаси кенгашининг навбатдан ташқари пленуми бўлиб ўтди. Унда кенгаш фаолиятининг асосий йўналишлари маъқулланди ва тасдиқланди.

Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди. Кенгаш раиси М. Зоидов бошқа ишга ўтгани муносабати билан аризасига биноан раисликдан озод қилинди. Кенгаш раиси этиб Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева сайланди.

(ЎзА).

КИЧИК КОРХОНАНИНГ КАТТА ИШЛАРИ

Нарх-навонинг кун сайин ошиб бораётганига қарамасдан Қорақалпоғистон Республикасида тадбиркорлар раҳбарлик қилаётган корхоналарда қўшимча даромад олишнинг манбаларидан оқилона фойдаланилмоқда. Меҳнат аҳлини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш чоралари кўрилмоқда. «Қорақалпакхлопкопромсбит» раҳбарияти жойлардаги пахта тозалаш заводларини сифатли ва кафолатли ремонт қилишга алоҳида эътибор бермоқда. Ўтган йилгача пахта тозалаш заводларидаги лаборатория ва электр асбоб-ускуналарини четдан — Тошкент ва бошқа йирик шаҳарлардан мутахассис кадрлар чақириб, капитал ва жорий ремонт қилдириларди. Бу ҳаддан ташқари қимматга тушарди.

Эндиликда бундай чиқимларни ҳамён «кўтара олмай» қолди. Шуни эътиборга олиб, ўтган йили «Хлопковик» кичик корхонаси ташкил этилганди. Корхона билимдон мутахассислар билан мустаҳкамланди. Эндиликда асбоб-ускуналарни таъмирлаш учун 1,5—2 марта кам сарф-харажат бўлаётир. 1992 йилнинг ўзидаёқ бир миллион сўмдан кўпроқ пул тежаб қолинди.

— Ўзимизда ташкил қилинган кичик корхонанинг яхши томони шундаки, хоҳлаган пайтимизда хоҳлаган заводимизга уларни юбориб, таъмирлаш ишларини амалга ошириш имкониятига эга бўлдик, — дейди суҳбат чоғида бирлашма раисининг биринчи ўринбосари К. Раҳимов. — Иш вақтидан ҳам, капитал маблағлардан ҳам унумли фойдаланмоқдамиз. Меҳнат интизоми мустаҳкамланяпти. Шунинг учун ҳам Хўжайли, Беруний ва бошқа қатор пахта тозалаш заводлари сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришмоқдалар.

Р. ЕШИМБЕТОВ.
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Ўзбекистон футбол мамлакати бўлади

КУЧЛИЛАР КЎЗГА ТАШЛАНИБ ҚОЛДИ

Олий лига футбол жамоалари ўртасида мамлакат чемпионатининг учрашувлари тобора қизғин тус олмоқда. Футбол жамоалари мавсум бошидаёқ мавқеларини мустаҳкамлаб, эътибор топишга ҳаракат қилмоқдалар. Бугун чемпионатнинг 4-тур ўйинлари бўлади. Пешқадам бўлиб турган «Пахтакор» ва «Политотдел» футболчилари учрашувларини ўзга майдонларда ўтказишади. «Нефтчи» эса «Шифокор»ни қабул қилади.

Футболчиларнинг кўтаринки руҳда, ҳужумкорлик билан тўп суришаётгани кўзга ташланмоқда. Бунинг боиси, улар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг республикада футболни янада ривожлантириш тадбирлари ҳақидаги қароридан мамнуният ҳосил қилишган. Айниқса, «Пахтакор» футболчилари кетма-кет уч ғалаба билан пешқадам бўлиб олиб, ўзларининг азалий нуфузларини тиклашга ҳаракат қилишаётгани кўринмоқда. Шунингдек, Тошкент вилоятининг «Политотдел» жамоаси ҳам бўш келмаяпти. Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари ҳам олдинги сафда боришяпти. Улар Қўқоннинг «Темирйўлчи» жамоаси дарвозасига 1 та жавобсиз тўп киритиб, ўзларини ўнглашди.

Қолган учрашувларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Трактор» — «Политотдел» — 1:0, «Чирчиқ — «Пахтакор»— 2:3, «Бинокор — Пахтакор-79» — «Нурафшон»—1:0, «Сўғдиёна» — «Орол» — 3:0, «Наврўз» — «Шифокор» — 4:0, «Янгиер» — «Навбаҳор» — 1:1, «Динамо» — «Косонсойчи» — 2:0.

Ўйинлар жадвали кўриниши

Пахтакор	3	0	0	8-2	6
Политотдел	2	0	1	7-1	4
Нурафшон	2	0	1	4-2	4
Темирйўлчи	2	0	1	2-1	4
Нефтчи	2	0	1	4-4	4
Шифокор	2	0	1	3-4	4
Сўғдиёна	1	2	0	4-1	4
Навбаҳор	1	2	0	2-1	4
Косонсойчи	1	1	1	2-3	3
Наврўз	1	0	2	6-5	2
Трактор	1	0	2	1-2	2
Бинокор	1	0	2	1-2	2
Орол	1	0	2	5-7	2
Динамо	1	0	2	2-5	2
Янгиер	0	1	2	1-8	1
Чирчиқ	0	0	3	2-6	0

ИНСОФ САРИ БАРАКА!

Осиё бозори

№ 20.

1993 йил 9 апрель

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ГАЗЕТАСИНИНГ АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ИЛОВАСИ

• НАВРЎЗ ДАВОМ ЭТАДИ •

БОБУР БОҒИДА ТАНТАНА

ИСТИҚЛОЛ... Қандай ажиб сўз бу! Тилимизни бурро қилган, дилимизни яйратган, шууримизни ёритган, ўзлигимизни танитган неъмат худди шу сўзнинг, шу лутфнинг мазмуни билан боғлиқ эмасми ахир! Сўнгги бир ярим аср давомида халқимиз табаррук Истиқлолни интизорлик билан кутди. Элу юртнинг онги-шуури бўлган маънавиятимиз дарғалари Истиқлолни қўлга киритиш учун кураш олиб бордилар. Бироқ уларнинг тиллари кесилди, диллари эзилди. Шундай бир мудҳиш даврлар бўлдики, истиқлол деган сўзни баралла айтиш ҳам мушкул эди. Одамлар ҳатто истиқлол ҳақида ўйлашга ҳам қўрқиб қолдилар...

Хайриятки юртимизда адолат қуёши порлади — табаррук Истиқлол халқимизнинг ҳозирги авлодига насиб этди. Одамлар бу сўзни баралла айтдилар, Ватан туйғуси, она замин туйғуси дилларда чечакдек очилди, истиқлол сўзи кўчалару бекатларни безади. Тошкент шаҳридаги «Истиқлол» маҳалласи ҳам ана шундай янги даврнинг, юртимиз мустақиллигининг шарофати билан пайдо бўлди. Мазкур маҳалла ва у сингари бошқа янги маҳаллаларнинг пайдо бўлишида мамлакатимиз Президентининг маҳалла хайрия жамғармасини тузиш ва умуман маҳаллаларга теран аҳамият бериш борасидаги сай-ҳаракатлари катта туртки берди.

«Истиқлол» маҳалласи Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманида жойлашган. Асосан кўп қаватли уйлардан ташкил топган бу маҳаллада икки мингдан ортиқ фуқаро истиқомат қилади. Маҳалланинг этник таркиби турли миллатлардан ташкил топган ва бу ерда истиқомат қилувчилар маҳалла қўмитаси раҳбарлигида ғоятда аҳил-иттифоқ бўлиб яшамоқдалар. «Истиқлол» маҳалласининг Захириддин Муҳаммад Бобур номидаги боғ ичидаги «Шаҳзод» чойхонасида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналари ҳам маҳалла аҳлининг аҳил-тотувлигини яна бир карра исботлади.

...Кундузи соат ўн иккиларда навбаҳор оғушида аста-секин яшилликка юз тутаётган боғ узра карнай-сурнай садолари янгради. Маҳалла аҳли ва таклиф этилган меҳмонлар «Шаҳзод» чойхонаси томон оқиб кела бошладилар. Маҳалланинг мутасадди вакиллари меҳмонларни ноз-неъматлар билан безатилган дастурхон атрофига таклиф этдилар. Меҳмонларни кутиб олиш ҳам, дастурхонларга сумалак ва ош тортиш ҳам ўйланган режа маромида, мусиқа, ашула ва табрик сўзлари асосида олиб борилди.

— Одатда истеъдодли одамларнинг, омади юришган инсонларнинг, гўзал сиймоларнинг, яхши ишларнинг рақиблари кўп бўлади, — деди куйлаш навбати ўзига теккан атоқли ҳофиз Фахриддин Умаров. — Бизнинг Наврўз байрамимиз ҳам ана шундай гўзаллар, яхши ишлар сирасига киради. Шунинг учун ҳам бу байрам бир неча йиллар муқаддам ўзининг айрим рақиблари томонидан таъқибга учради. Бироқ, барибир яхшилик зафар қучди. Бугун Наврўз бизнинг бағримизда, биз эса, Наврўзнинг бағридамиз. Шундай қутлуғ айёмингиз муборак бўлсин, азиз дўстлар! Яратган эгамга минг марта шукроналар айтиб, Бобур номига қўйилган боғда Бобур ғазалларига басталанган қўшиқларни куйлаб бераман...

АТОҚЛИ ҳофиз Ориф ҳожи Алимаҳсум ўғли ва Тошкент шаҳар ҳамда Яккасарой Ракат мачитининг имом-хатиби Абдураҳмон ҳожи ўз шериклари билан даврага ташриф буюрдилар. Микрофон олдида қуръон тиловат қилинди ва мустақил Ўзбекистонимизнинг келажак равнақи учун фотиҳа ўқилди.

Мусиқа, ашула, ўйин-кулги, меҳмонларга совға-саломлар улашиш кечгача давом этди.

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ҳокими Шавкат Низомов, «Ўзбекфильм» кино студияси директори Аъло Махсумов, Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Саъдиев, олмониялик юксак мартабали меҳмон Михель Гайсмайер, 1945 йили Москвада ўтказилган Ғалаба намойиши қатнашчиси, фахрий Собиржон Султоновлар ва А. Қаҳҳор номли

сатира театри санъаткорлари Наврўз тантаналарига алоҳида кўрк ва файз бағишладилар. Айниқса Тошкент Тўқимачилар маданият саройи қошидаги санъаткорлар дастаси намойиш этган театрлаштирилган саҳна томошаси халқимизнинг қадимий анъана ва қадриятларини (келин салом, бешик тўйи, суннат тўйи) улуғлаш нуқтаи назаридан меҳмонларда ғоят хуш таассурот қолдирди.

— «Истиқлол» маҳалласи, гарчи яқиндагина ташкил этилган бўлса ҳам, Яккасарой туманидаги намдор манзилга айланиб қолди, — дейди биз билан суҳбатда туман ҳокими Шавкат Низомов. — Айниқса, мўътабар Наврўзнинг бундай тантана билан Бобур боғида ўтказилиши халқимизга алоҳида завқ беради. Хабарларингиз бор, бундан бир-икки йил муқаддам туманимиз ҳам, мана шу истироҳат боғи ҳам бошқача ном билан аталарди-да...

ХОЛИСОНА айтганда, бу маҳаллада Наврўз айёмининг байрам қилиниши ҳам рамзий маънога эга. Наврўз байрами қатағонга учраган пайтларда қадимий қадриятларимизга содиқ айрим фарзандлар бу байрамни қайта тиклаш учун қўлларидан келган ишни қилдилар, Наврўзнинг тарихийлигини исботлаб мақолалар ёздилар, китоблар чоп этдилар. Қадриятларимиз учун курашган ана шундай жўмардлардан бири Шавкат Миралимовдир. «Истиқлол» маҳалласига ҳозир худди шу киши раҳбарлик қилмоқда.

«Истиқлол» маҳалласида Наврўзи айёмни чинакам байрамдек ўтишига маҳалла фаолларидан Зиёвуддин Низомов, Олия Мажидова, Аббос Шарафиддинов, Эргаш Ҳакимов, Ирина Абрамова, Фарид Галимов, Муҳаммаджон Низомовлар катта ҳисса қўшдилар.

СЎНГГИ пайтларда биз меҳр-оқибат ҳақида, имон-эътиқод тўғрисида кўпроқ сўзлайдиган бўлиб қолдик. Бунинг сабаблари бор, албатта. Собиқ Иттифоқнинг динсизликка, имонсизликка даъват этган етмиш уч йиллик умри давомида одамлар орасидаги меҳр-оқибатнинг, имон-эътиқоднинг тамоман барҳам топиши яқин қолган экан. Хайрият, ўшандай яхши фазилатларнинг уруғлари ҳар қалай сақланиб қолган эканки, бугунги кунда ўзининг эзгу меваларини бера бошлади.

«Истиқлол» маҳалласининг Наврўз байрамига тайёргарлик кўраётганидан хабардор бўлган ён атрофдаги ташкилотлар маҳалланинг жамғармасига хайрия ёрдами беришга шошилиб қолдилар. Сўнгги икки-уч ҳафта давомида бу савоб иш учун шунчалик маблағ йиғилдики, бу «Наврўз» байрамининг ураражатларини қоплашдан ташқари маҳаллада бундан кейин ўтказиладиган хайрия тадбирлари учун ҳам ортиб қолди. Мана, «Истиқлол» маҳалласига меҳр-шафқат юзасидан маблағ ўтказган ташкилотлар ва шахсларнинг тўла бўлмаган рўйхати:

«Наргиз» фирма бирлашмаси бош директори Фаттоҳ Мусаев, 35-сонли озиқ-овқат дўкони мудири Лутфулла Ҳикматжонов, валюта билан савдо қилувчи «Азиз» дўконининг мудири Мавжуда Ғуломова, «Малика» фирмасининг тижорат дўкони мудири Баҳодир Юнусов, озиқ-овқат дўкони қошидаги тижорат дўкони мудири Руслан Хўжаев, Тошкент вилояти «Наврўз» китоб нашриёт директори Гаяз Шакаев, «Мир—К» фирмаси директори Абдужалил Миралимов, Тошкент кино уюшмаси директори Вадим Аъламов, Яккасарой тумани маданият уйининг директори Мирзатилла Мирзарайимов, «Истиқлол» маҳалласи ҳудудидаги корхона раҳбари Марат Мадёров, маҳалла қўмитаси қошидаги кичик корхона раҳбари Ольга Холдеева; «Ўзавтодорбанк» бошқарувининг раиси Талъат Ғойибов....

Ҳиммат[illegible]гизга балли, [illegible]вримизнинг меҳ[illegible]мурувватли, [illegible]мтой инсонлари!

Шундай қилиб, ўлкамизда Наврўз байрами давом этмоқда. Шоир ёзганидек:

Манъ бўлса-да элнинг байрами,
Қорда чечак кулаверади.
На парвойи бордир, на ғами,
Наврўз қайтиб келаверади.

Оқилжон ҲУСАН.

ВИЖДОН— ЭНГ ЗЎР ҚЎРИҚЧИ

• ХАЛҚ МУЛКИ МУҚАДДАС



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ БОЖХОНА БОШҚАРМАСИ БОШЛИҒИ АБДУВАЛИ САМАТОВИЧ ПРИМОВ МУЛОҲАЗА ЮРИТАДИ

•

Баъзан хизматчиларимиз тайёрлаган маълумотномаларни ўқиб ҳайрон қоламан. Ҳар куни биргина бизнинг вилоятдан миллион сўмлаб камёб нарсаларни олиб чиқиб кетишмоқчи бўлишади. Манфаат устун келгач, ёлғон ҳам айтишаверади, қалбаки ҳужжат ҳам тўғрилаб келаверишади... Ҳеч бўлмагач, айрим мансабдор шахсларни ўртага солишади.

Баъзан ўзимизнинг юртдошлар шу ишни қилаётгани алам қилади. Наҳотки уларда ватанпарварлик туйғуси бўлмаса? Ваҳолонки, олиб чиқиб кетилаётган ўша маҳсулот билан шу ернинг ўзида ҳам фойда кўрса бўлади.

Мисол учун Самарқанд дон комбинати ишчиси Ф. Козимов самолётда Москвага 26 килограмм индонезия чойн олиб кетмоқчи бўлган. Самарқанд шаҳар саноат корхонаси бошлиғи Ф. Аҳмаджонов Панжакентдаги «Семурғ» фирмасига ҳеч қандай рухсатномасиз 20 та курси, битта болалар чорпояси ва 30 та сандиқни бериб юборган. Натижада унга 7.500 сўм жарима солинди.

Республикамизда узоқ йиллар биз билан иноқ яшаб, эндиликда ўз юртига кетаётган айрим кимсалар тақиқланган бўлишига қарамасдан Ўзбекистондан осорн атиқаларни олиб кетишга уринмоқдалар. Исроилга кетаётган Мушки Бозоров ноёб, қадимий аёллар либосларини сандиғига жойлаб олган экан. Миша Мушеев эса XIX асрда ёзилган ноёб диний яҳудий китобларини олиб кетмоқчи бўлган. Бундай фактлар деярли ҳар куни учраб туради. Улар божхона ходимларининг сезгирлиги, ҳушёрлиги туфайлигина жойларига қайтарилади.

Кейинги пайтда ўғриликнинг яна бир тури пайдо бўлди. Кўплаб шахслар ва корхоналар рухсатномада кўрсатилганидан ортиқча юкни жойлашга уринмоқдалар. «Ўроқ ва Болға» консерва комбинати омбор мудири Аббос Насимов Уссурийск шаҳрига шартнома асосида юк жўнатаётганда вагонга бир миллион сўмлик томат пастасини ортиқча юклаган. Самарқанд трикотаж фабрикаси тайёр маҳсулотлар омбори мудири Неъмат Солиев эса Анапа шаҳрига жўнатилаётган контейнерга шартномадагидан 80 та ортиқча жемпер жойлаган.

Ховренко номли Самарқанд вино комбинати раҳбарларининг ҳаракати ҳаммасидан ошиб тушди. Комбинатдан Москвадаги «Урожай» кичик корхонасига шартнома бўйича вино жўнатилади. Бироқ виночилар бу билан кифояланиб қолишмайди. Улар ғайриқонуний йўл билан яна бир вагон ичимлик жўнатиш йўлини қидирадилар. Ниҳоят «юборган виномизнинг сифати ёмон экан, қайтариб юборишди, ўрнига яна жўнатиш учун рухсатнома беринг», мазмунида мурожаат қилишади. Бу ҳақда темир йўл станцияларидан қалбаки ҳужжат тайёрлашади. Одамларимиз Москвага бориб бу ишни аниқлаб келдилар. Самарқандга Москвадан ҳеч қандай вино қайтариб юборилмаган. Бу ишнинг бошида комбинат директори Н. Эшонқуловнинг ўзи турганлиги бизни ҳайратлантираяпти.

Яна бир нарса. Ходимларимиз ҳар куни қариб 500 — 600 килограмм чойни четга чиқаришнинг олдини олишади. Назоратсиз йўллардан эса уларни бемалол олиб кетишаяпти. Маълумки, чой талонга берилади. Бироқ айрим шахслар 100—200 килограмм чойни кимдан харид қилишаётган экан? Назаримда назорат органлари бу масала билан жиддий шуғулланишлари керак.

«АСТРОВАЗ»

АКЦИОНЕР СУҒУРТА ЖАМИЯТИ БАРЧА МАНФААТДОР ШАХСЛАРГА

БИЗНИНГ

ФИРМАМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН

РЕСПУБЛИКАСИ

ПАТЕНТ

ИДОРАСИ

ТОМОНИДАН

янги номда ва товар белгисида:

«АРК СУҒУРТА ГРУППАСИ»

«ГРУППА СТРАХОВАНИЯ АРК»

«ARK INSURANCE GROUP»

рўйхатга олинганлигини маълум қилади.

БИЗНИНГ МАНЗИЛ: 700064, Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 14-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: 55-66-86, 55-67-10, 55-65-58.

• *Суратли лавҳа*

«ЖИМИНИНГ КЎЗ ЁШЛАРИ»

Андижон трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат жамоаси биринчи чоракни муваффақиятли якунлади. Бу ерда янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди ва унга «Жимининг кўз ёшлари» деб ном берилди. У хориждан келтирилаётган матолардан сира қолишмайди. Шу боисдан харидорларнинг эътиборини торта бошлади.

Бирлашма жамоаси ва раҳбарияти аҳоли эҳтиёжини инобатга олиб, янги мато ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва унинг сифатини оширишга астойдил киришди.

СУРАТЛАРДА: 1. (чапдан ўнгга) бирлашма бош муҳандиси Д. Тўланов, бош раҳбар муовини К. Олимов, бирлашма бош раҳбари Ш. Зайнобиддинов ва лаборатория бошлиғи Р. Абдуллаева янги маҳсулотнинг сифатини кўздан кечирмоқдалар.

2. «Жимининг кўз ёшлари» матосини тўқишда фидокорлик кўрсатаётган илғор ишчи Моҳидил Аҳмедова.

3. Саодатхон Азизова бирлашманинг ёш ишчиларидан бири. Ўз меҳнатидан қониқиш ҳисси сезилиб турган қадоқ қўлли бу қиз ёшлар ўртасида танилиб қолди.

Донийёр САМАТОВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ

АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1993 йил 7 апрелдан Республика ҳудудида сўмга нисбатан чет эл валютасининг қуйидаги курси ўрнатилганлигини хабар қилади.

1 Австралия доллари	499 сўм 82 тийин
1 Австрия шиллинги	63 сўм 15 тийин
1 Англия фунт стерлинги	1075 сўм 40 тийин
10 Бельгия франки	215 сўм 45 тийин
1 Немис маркаси	443 сўм 97 тийин
1 Голланд гульдени	394 сўм 96 тийин
1 Дания крони	115 сўм 47 тийин
100 Италия лираси	44 сўм 67 тийин
1 Канада доллари	564 сўм 18 тийин
1 Норвегия крони	104 сўм 65 тийин
1 АҚШ доллари	712 сўм 00 тийин
1 Финляндия маркаси	122 сўм 27 тийин
1 Француз франки	130 сўм 89 тийин
1 Швед крони	93 сўм 58 тийин
1 Швейцария франки	479 сўм 95 тийин
10 Япония пени	62 сўм 41 тийин
1 ЭКЮ	860 сўм 10 тийин
10 Испан песети	61 сўм 99 тийин
10 Греция драхми	32 сўм 48 тийин
1 Ирландия фунти	1082 сўм 38 тийин
1 Исландия крони	11 сўм 22 тийин
1 Қувайт динори	2366 сўм 55 тийин
10 Ливан фунти	4 сўм 09 тийин
10 Португалия эскудоси	48 сўм 09 тийин
1 Сингапур доллари	437 сўм 75 тийин
10 Туркия лираси	0 сўм 76 тийин
1 СДР	1000 сўм 42 тийин

«ОҲАНГАРОНШИФЕР» ИЖАРА КОРХОНАСИ

«ИНВЕСТОРЛАР» (ҲУҚУҚИЙ ВА ХУСУСИЙ ШАХСЛАР)НИ ШИФЕР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЯНГИ ИККИТА ТЕХНОЛОГИК ЛИНИЯНИ ЎРНАТИШГА

ТАКЛИФ ЭТАДИ

ШАРТЛАР ШАРТНОМАВИЙ. МАНЗИЛИМИЗ: 702430, ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ, ОҲАНГАРОН ШАҲРИ.

ТЕЛЕФОНЛАР: (264) 5-14-66, 5-70-82, 5--78-92.

«ЎЗБЕКТУРИЗМ» МИЛЛИЙ КОМПАНИЯСИ ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ АМАЛИЙ ШЕРИКЛАРГА МЕҲМОНХОНАЛАР, РЕСТОРАНЛАР, СЕРВИС ХИЗМАТЛАРИ ВА БОШҚАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ ИШИДА БИРГАЛИКДА ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛГОҲ: 700047, Тошкент, Хоразм кўчаси 47.

ТЕЛЕФОН: (371—2) 33-51-78, 33-82-09.
ФАКС: (371—2) 32-79-54.

ТЕЛЕКС: 116496 UZTUR — SU.



Сен бир гулсан, гулки нфор исларни,
Шамолларга таратмаган, сочмаган.
Илтижоли эсса ел сарин-сарин,
Истаб туриб, қучоғини очмаган...

Сен бир шароб қадаҳдаги лолагун.
Лим-лим тўлган, тўкилмоқни билмаган.
Тўкилса ҳам тўкилмаган мен учун,
Қатраси ҳам менга насиб қилмаган...

С. МАҲҚАМОВ олган сурат-лавҳа.

• МУСТАҚИЛЛИК УФҚЛАРИ

Иброҳим ФАЙЗУЛЛАЕВ:

«ХАЛҚ ТАШВИШИ БИЛАН ЯШАЙМАН»

Биз учун Иброҳим ака Файзуллаевни топиш қийин бўлмади. Колхоз идорасига келишимиз биланоқ у кишининг шу ерда эканлигини билиб олдик. Хонага кирар эканмиз, эндигина газета саҳифасида босилаётган «Темур тузуклари»ни ўқиб бўлган эканлар. Дастлабки суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

— «Ўзбекистон овози» газетаси саҳифасида босилаётган «Темур тузуклари»ни ўқиб жуда хурсанд бўляпман. Биз шу даврга қадар буюк Темурни қонхўр, жаллод деб келдик. Афсус, бу гапларнинг барчаси бўҳтон экан. Мана, халқимиз ўз мустақиллигига эришди. Энди тарих ҳақиқатлари рўёбга чиқмоқда. Бундай хайрли ишга қўл урганликлари учун газета жамоатчилигига ўз миннатдорчилигимни билдирсам.

— Раҳмат.

— Иброҳим ака, колхозга раис бўлиб келганингизга ўн йил бўлар экан. Аввалгидек суҳбатимизни колхознинг ўша давридаги аҳволи, меҳнаткашларнинг турмуш шароитлари ҳақидаги маълумотдан бошласак.

— Тўғри айтдингиз. Насиб қилса колхозга раис бўлиб келганимга ўн йил бўлади. Мен 1983 йили бу ерга келганман. Ўша пайт колхоз давлатдан 6,5 миллион сўм қарздор эди. Йил ўн икки ой тер тўкиб меҳнат қилсангу даромад ололмай бунинг устига давлатдан қарздор бўлиб қолсанг. Бу албатта меҳнаткашлар учун оғир. Нима қилмоқ керак? Нима қилсак меҳнаткашларни бундай оғир шароитдан олиб чиқамиз? Ўша пайтларда мени ана шундай саволлар қийнарди. Гапнинг қисқаси, тажрибали пахтакорлар, деҳқончиликнинг ипидан игнасигача билган кекса кишилар билан маслаҳатлашиб, бир қарорга келдик, яъни далаларимизга тўлиқ ипак пахта экадиган бўлдик.

Ўша йили ҳар гектар ердан 41 центнердан ҳосил олинди. Бу биз кутган ҳосилдан ҳам ортиқ эди. Колхоз 8 миллион соф фойда қилиб, бир йўла давлат қарзларидан ҳам қутилди. 1,5 миллион сўм пул эса колхозчиларга даромад тариқасида берилди. Шундан буён ҳар йили далаларимизда ипак пахта экилади. Кўрянсизки, даромад яхши. Демак, деҳқонларимизнинг усти бут, косаси оқармоқда.

Дарвоқе, сут, тухум, гўшт, пилла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари режаларини ҳам ортиғи билан уддаладик. 1980 йилларда хўжалигимиз райондаги энг қолоқ колхозлардан бири ҳисобланар эди. 1985 йилларга келиб эса, райондаги энг илғор хўжаликка айланди.

— Иброҳим ака, халқимизда қийинчиликларсиз муваффақият бўлмайди, — деган ажойиб нақл бор. Муваффақият бор жойда албатта камчилик ҳам бўлади. Колхоздаги муаммолар, ўз ечимини кутаётган масалалар хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Дарҳақиқат, муваффақиятларимиз қатори камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Ҳозирги кунда бизни энг ўйлантираётган нарса — газ масаласи. Ўтган йилги пахта толасини сотсак камида 100 миллион сўм фойда олишимиз мумкин. Колхозни эса мана шу даромад ҳисобидан сентябрь ойигача тўлиқ газлаштирмоқчимиз. Иккинчиси эса — бу лалми адир ерлардан фойдаланиш муаммосидир. Колхозимизда 1000 гектардан ошиқ адирларимиз ҳозирга қадар ўзлаштирилмаган. Биз бу йил 300 гектардан ортиқроқ ерни ўзлаштириб, боғ яратмоқчимиз. Келажакда олма, анор, хурмо, ёнғоқ, беҳи, ўрик ва бошқа ҳўл мевалар билан халқимизни таъминлаймиз. 1994—95 йилларда эса иссиқхона қуришни ҳам режалаштиряпмиз.

Омон бўлсак, ниятимиз холис, иншооллоҳ ижобат бўлғай. Зеро, мен халқимизга ишонаман. Президент Ислом Каримовга ишонаман. Халқимиз ҳалол ва софдил виждон билан меҳнат қилади.

— Президент фармонлари хўжаликда қандай ижро этилмоқда? Бу ҳақда батафсилроқ гапириб берсангиз.

— Ўтган йили колхозимиз район хўжаликлари ўртасида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режасини бажариб, зафар қучдилар. Режани 121 фоиз қилиб бажардик. Бу деҳқонларимиз учун катта муваффақият бўлди. Президентимиз фармонларига кўра, режадаги 15 фоиз ва режадан ортиқ бўлган барча ҳосил хўжалик ҳисобига қоладиган бўлди. Энди ўзингиз ҳисоблаб кўринг. Режа 121 фоизга уддаланди. Колхозга эса 36 фоиздан ортиқ ҳосил қолаяпти.

Бундан ташқари одамларга томорқа ерлари ажратяпмиз. Сўнгги йиллар ичида эса 500 дан ортиқ ёш оилаларга уй-жой берилди. Хўжалик аҳолиси тўлиқ тоза сув билан таъминланган. Қаровчиси йўқ қарияларга эса колхоз ўз ҳисобидан маблағ ажратиб, ҳар ойда уларга 2 минг сўмгача ёрдам пули беряпти. Бу пул албатта уларнинг нафақаларидан ташқари. Шунингдек улар ҳар ҳафтада бир марта врач кўригидан ўтказилади.

— Ҳозирги кунда хўжалик вилоятда эмас, республикада ҳам энг илғор хўжаликлардан ҳисобланади. Шу ўринда хўжаликнинг илғор деҳқонлари тўғрисида икки оғиз сўз...

— Хўжалигимизда ҳалол меҳнат қилаётган деҳқонларимиз жуда кўп. Ўтган йилги об-ҳавонинг инжиқликларига қарамай ишбилармон деҳқонларимиз ўз олдиларига қўйган вазифаларини шараф билан уддаладилар. Раҳмат Жабборов, Равшан Маматқулов, Тўра Бойқобилов, Ҳалима Азимова, Усмон Нуралиев бошлиқ бригадаларимиз ўз режаларини 130—150 фоизга бажардилар.

— Қорақул Қурбонов ўз оиласи билан ўттиз гектар ерга буғдой экди. Ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил олиб режани ортиғи билан бажарди. Йиллик даромади 200 минг сўм атрофида бўлди. Мана шундай деҳқонларимиз туфайли хўжалигимиз йилдан-йилга ривожланиб бормоқда.

— Мазмунли ва қизиқарли суҳбатингиз учун ташаккур.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ.
Сурхондарё вилояти.

Қаҳрамонимиз ҳақида қисқа маълумот:
Иброҳим Файзуллаев 1933 йилда туғилган. Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини тамомлаган. Иш фаолиятини колхозда ҳисобчиликдан бошлаган. Район, область, республика қурултойларининг қатнашчиси.
1983 йилдан буён Сурхондарё область, Денов районидаги Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги раиси. Ўзбекистон Республикаси халқ депутати. Оилали. Учта фарзанди бор.

• Тадбиркорлик—давр талаби

Корига яраганни эл суйибди, дейди доно халқимиз. Айниқса, бугунги иқтисодий қийин шароитда ундайлар жуда эъзозли. Иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлмасада, Жиззах шаҳридаги 7-ун маҳсулотлари заводи ҳам элнинг дуосини олаётган ана шундай жамоалардан. Корхона фаолияти билан танишар эканмиз, бунга амин бўлдик.

Маълумки, дон маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлашни ривожлантириш мустақил юртимизнинг камол топишида муҳим омиллардан биридир. Зеро, дастурхон тўкинлигига нима етсин. Корхона жамоасининг олиб бораётган бу борадаги ишлари таҳсинга лойиқ.

ЭЛ РИЗҚИ ЙЎЛИДА

1992 йилнинг иккинчи ярмида корхона 22 миллион сўм фойда кўрди. Бундан давлат бюджетига 7375 минг сўм ўтказилди. 125 киши меҳнат қилаётган жамоа учун бу кўрсаткич чакки эмас. Ўтган қисқа фурсат ичида кунига 50 тонна омухта ем тайёрлайдиган цех ва қопларни тиклаш бўлимларида ҳам ишлар рисоладагидек йўлга қўйилди.

Иш бор жойда қийинчилик, ечилиши зарур бўлган муаммоларнинг бўлиши ҳам табиий. Ҳамма гап уларни бартараф этиш, бирон янгилик, ўзгариш ясай олишда. Ахир мустақилликка фақат қоғозда эришилмайди-ку. Корхонанинг жорий йилдаги кўрсаткичлари ҳам қувонарли. Йилнинг биринчи чорагида 4707 тонна ўрнига 4739 тонна ун ишлаб чиқарилди. Ёки 7 миллион фойда олинди. Корхона бу фойда ҳисобига макарон ишлаб чиқаришга мослашган цех қуришни режалаштирди. Шунингдек, «француз батонлари» тайёрловчи алоҳида корхона очиш кўзда тутилган. Ишчиларни кўпроқ қўл меҳнатидан озод қилиш мақсадида вагонлардан ғалла қабул қилишни шу йил июнь ойидан механизациялашга киришилади. Бу каби катта режаларга асос — бугунги ютуқлар. Хўш, бу муваффақиятларнинг боиси нимада?

Раҳбар — корхонанинг ярим ютуғи, деган гап бор. Бугун бу нақлга эътироз йўқ. Зеро, илғор ташкилот ва хўжаликлар фаолиятида бошқарувчининг ишбилармонлиги ва тадбиркорлиги жуда қўл келади. Дарвоқе, Жиззах ун заводининг фаолиятида ҳам бош директор Ҳотам Азларовнинг ўз ўрни бор. Ҳотам ака баъзан жуда кўнгилчан, гоҳида бироз қизиққон характерли инсон. Муваффақиятларнинг боисини фақат меҳнатда деб биладди. Асосийси — иш бўлсин, дейди. У бошлиқ сифатида ишлаб чиқарувчи корхонада аввало интизом мустаҳкам бўлиши учун курашади. Шундан бўлса керак, корхонада катта ҳарфлар билан «Иш боши — интизом» деган шиорни кўрдик.

— Ишчиларнинг маиший ва маданий ҳаёти, моддий аҳволи билан қизиқмаган ташкилотда бугун иш олға кетиши қийин, — дейди у. — Мавжуд ёрдамчи хўжалигимизда 450 бош қўй, 35 бош қорамол парвариш қилямиз. Икки гектар жойни ҳовуз қилиб балиқ боқаяпмиз. Шунга яраша каттагина боғимиз ҳам бор. Ойига киши бошига арзон баҳоларда 2 килодан гўшт беряпмиз. Ишчиларни сут билан ҳам таъминлаяпмиз. Тушлик пули, транспорт учун кетадиган харажатларни корхона ҳисобидан қоплаяпмиз. Буларнинг ҳаммаси ишимизнинг олға кетишига ўз самарасини бераяпти, албатта. Ҳақиқий меҳнатчини ўйлаган раҳбар иложи борича ўз ишчиларига қоғоз пул эмас, у бу нарсани нақд олиб беришга, истеъмол моллари, тақчил товарларни етказиб беришга интилади. Корхона, бундан ташқари, элнинг ҳашару ҳайриясига ҳам бош қўшаётган танти жамоалардан биридир. Шаҳарни ободонлаштириш фондига 150 минг, «Наврўз» ҳайрия жамғармасига 100 минг сўм, маҳалла фондига 10 минг сўм, ҳозирда вафот этган 5 нафар шу корхонада ишлаган кишиларнинг оилаларига бир қоп ун, бир қоп гуруч, 10 минг сўмдан пул тарқатилди. Бу тантиликлар замирида ҳам катта меҳнат, интилиш бор. Меҳнат қилган элда азиз. Назаримда, бу нақл меҳнат қилгани учунгина эмас, меҳнат қилганнинг интилишлари самарасидан элга ҳам фойдаси борлиги учун ҳам айтилгандек. Шавкат Бойқозоқов, Раҳмат Равшанов, Ориф Азаматов, Саҳоб Ҳошимов, Шукур Берди қулов каби меҳнатидан ғурур топаётганлар бу даргоҳнинг юракларидир. Юракларга эса тоза муҳит керак, кенглик керак. Йўқса, уларнинг уриб туришига, бақувват фаолиятига ишонч йўқ. Бизнингча, корхонада шу муҳит, шу ҳис мавжуд. Бу эса ўша муваффақиятларнинг омилидир.

Ҳусан ЭРМАТОВ.

КОСИБЛИК НАҚД ФОЙДАСИ

САМАРҚАНД ПОЙАБЗАЛ ФАБРИКАСИДА ИЧКИ ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА

— Мана бу янги цехни бир йил ичида қуриб ишга туширдик, — дейди директор Рустам Ёрмуҳаммедов. — Барча юмушларни ўз ишчиларимиз эплашди. Бу цех ойига 20 минг жуфт болалар оёқ кийими тайёрлаяпти. Ёнида қад кўтараётган бино насиб этса Туркиянинг «Клисан» фирмаси билан қўшма корхона бўлади. Унда ҳар ойда 50 минг жуфт эркаклар пойабзали тайёрланади. Иншоотни май ойигача фойдаланишга топширамиз.

Дарҳақиқат, корхонада бозор муносабатлари шароитида жиддий ўзгаришлар қилинмоқда. Гарчи Россиядаги ҳамкорлар билан муносабатлар бузилмаган бўлса-да, маҳаллий хом ашё ва ички имкониятлар ҳақида бош қотиришга тўғри келаётир.

Ҳозир цехларнинг 70 фоизи шу ернинг ўзида тайёрланган қолипларда ишламоқда. Ваҳолонки, илгари пластмасса қолип Армавирдан жуда қиммат нархда келтириларди.

Эркаклар ва аёллар учун пойабзал тикиш цехи очилиб, унга шаҳардаги тажрибали косиблар таклиф этилгани нақд фойда келтирди. Косибларнинг хом ашёдан, маҳсулотни сотишдан кўнгиллари тўқ. Муҳими, бу ерда тайёрланган оёқ кийимлари дўконлар пештахталарида турмаяпти.

— Болалар учун ёзги оёқ кийимлари тикишда сунъий теридан фойдаланяпмиз, — дейди бош муҳандис Алишер Тўраев. — Ундан истаган шаклни ясаш мумкин. Осонликча йиртилмайди. Сунъий чармни Фарғонадан оламиз. Шу ўринда бир мулоҳазам бор. Бизга ўхшаган турдош корхоналар ускуналар учун эҳтиёт қисмлар излаб сарсон бўлиб юришибди. Наҳотки республикамизда ҳар хил арзимаган эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарувчи завод ёки фабрика қуриш имкони бўлмаса? Ҳеч бўлмаса Россиядаги, Украина ёки Белорусдаги катта заводларнинг филиалини очиш мумкин-ку!

Айтгандай, яқинда фабрикада эстетик безаш цехи ҳам очилди. Унда иш жойлари учун турли безаклар, дўкончалар ясалади. Цехларда ҳар бир ишчига чиройли барча қулайликлари бўлган дастгоҳлар ўрнатиб берилган. Дам олиш хоналари, ошхона, мажлисхона, кутубхона ва соғломлаштириш пунктларини кўриб ҳавасингиз келади.

Цехда ишчиларнинг кайфиятини кўтарувчи, меҳнатга чорловчи безаклар тайёрланади. Дарвоқе, бундай нарсага харидор кўпайиб қолди. Трикотаж фабрикаси, «8 Март» бирлашмаси ҳам буюртма беряпти. Оёқ кийимларида ишлатиладиган турли тугмача ва бошқа фасонлар учун шакллар ҳам айнан шу цехда тайёрланмоқда.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



СУРАТЛАРДА: фабрика ҳаётидан лавҳалар.

ҚИДИРИЛМОҚДА

АЛМАТОВ Қилич 1967 йил туғилган. Самарқанд вилояти Соҳибкор жамоа хўжалигини Хитоюз қишлоғида яшайди. У 1992 йил 19 январь уйидан чиқиб кетиб бедарак йўқолган, бўйи 165 — 170 см, сочи қора, юзи чўзиқ, устида жинси шими, чорхона кўйлак, «адидас» спорт костюми, оёғида 41 размерли қора ранг ли ботинка, бошида қора рангли телпак бўлган.

СИДДИҚОВА Манзура Самарқанд вилояти, Тойлоқ тумани Соҳибкор жамоа хўжалигининг Сочак қишлоғида яшайди. 1962 йилда туғилган. 11 апрелнинг 1992 йили уйдан чиқиб кетиб бедарак йўқолган, бўйи 165—170 см, ўрта гавдали, сочи қора, устида кул ранг кофта-юбка кийган, оёғида қора рангли туфли бўлган.

ШАРИПОВ Ислом Болтаевич 1961 йил туғилган. ўзбек, Самарқанд шаҳар Школьная кўчаси 9-уйда яшайди. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 81-моддасида кўрсатилган жиноятни содир қилган ва ҳозирги вақтда терговдан қочиб юрибди. Бўйи — 170—175 см, гавдаси тўладан келган, сочи қора, қошлари қуюқ ҳолда.

Қидирилаётганларни кўрган ёки улар ҳақида эшитганлардан Самарқанд вилояти Тойлоқ райони ички ишлар бўлимига 6-53-88, 4-42-66 ёки энг яқин милиция бўлими — 02 га қўнғироқ қилишлари сўралади.

МУАССИСЛАР: «Ўзбекистон овози» ва «Оснё бозори» газеталари ижодий жамоалари.
ҲОМИЙ: Шароф Рашидов фонди.

Нашр учун масъул
Т. ЭШБЕКОВ.
Ҳафтада бир марта чиқади.

«Оснё бозори» Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган. Гувоҳнома № 000176.
Эълон ва билдирувлар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан қабул қилинади.

Бизнинг манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, ГСП, Ленинград кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-57-19, 32-54-12, 32-54-14.
Индекс 75487.

«УРАЛ» АВТОМАШИНАСИНИ СОТАМАН.
ТЕЛ: 75-56-42.
(Соат 10 дан 17 гача).

КЕНГ ТАРМОҚЛИ «ВАКАНТ» ШИРКАТИНИНГ ЮМАЛОҚ МУҲРИ ЙЎҚОЛГАНЛИГИ САБАБЛИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

• «Ўзбекистон овози»нинг 75 йиллиги олдидан

Ўзбекистон — ватаним менинг...

Мирмуҳсин ижодхонисидан

Отахон рўзномамиз «Ўзбекистон овози» жумҳурият истиқлоли йўлида катта ва савоб ишлар қилмоқда, айни вақтда қадимги яхши анъаналаримизга амал қилиб, адабиёт ва санъат арбобларининг жалб этилаётгани таҳсинга сазовор. Қоғоз тақчил, романлар чиқиши қийин ва ижод аҳли оз-моз меҳр-муҳаббатга зор пайтда бундай мурувват ҳеч қачон эсдан чиқмайди.

Мустақиллик учун кураш жараёни ҳақида албатта катта асарлар яратилади. Жанговар ва улуғ кунлар ширин бир рўё бўлиб қолмаслиги лозим. Ҳусн тўйда, ақл кунда керак, катта наср, бу нон демакдир, у ҳар куни керак. Яхши шеъру қўшиқ ҳам керак, бу бебаҳо новвоту асалдир... «Гавҳару баҳр бу даркор аст...» деган буюк Шайх Саъдий.

Республикамиз озод ва мустақил, ўз туғи, ўз Конституцияси, ўз тамға-ю муҳри, ўз мадҳияси, ўз Президентимизни кўрганим ва бу ҳур замонга эсон-омон етиб келганим билан фахр этаман. Иншоолло, камтарона яшаб, енг шимариб ишлаяпман, мустақиллик учун олиб борилаётган кураш жараёнчи тасвирловчи янги насрий асарни яратишга киришиб кетганим билан ҳам бахтлиман. Эзгуликнинг кечи йўқ. Аллоҳ ўзи йўл берсин.



Самарқандга шаъзим

Игнада қудуқ қазиб, соч-соқолим оқариб —
Етмишга кириб, сени бир кўрай дедим, шаҳрим.
Олиму уламолар, шоиру шуаролар
Қучоқ очди, баҳорий-гулларга тўлди бағрим...

Амир Темур, Улуғбек... руҳи покига таъзим!
Халққа таъзим, шаҳримни ардоқламиш гуллатиб,
Келган эдим бағрингга эй, буюк шаҳри азим,
Бўлмасин ҳеч даврда падаркуш Абдуллатиф...

Шаҳарларнинг кўркисан, умринг сенинг абадий...
Меъмору мунажжимлар, деҳқон-аҳли шуаро...
Афросиёблар юрти Самарқандим азалий,
Бор бўлсин зако бу халқ — қўли тилло фуқаро!

Сайримиз тўғри келди Темур туғилган кунга,
Зиёрат бажо этдик, эл фахри саркардани,
Қитъалардан учишиб сайёҳлар келар бунга.
Ҳамон кўтариб турар юртимни алп гардани.

Обрўйиму икромим, Бибихонимдек гўзал
Қизларим жаранглатди юртга санъату созин.
Гўё ҳазрат Навоий лафзидан учди ғазал —
Гўё тингладим сарин елларнинг сирли розин.

Эй, Самарқанд, омон бўл,
Саркардаю мунажжим
Буюк инсонлар юрти, номинг мангулиги рост.
Буюк Ипак йўлига тушди қадамим ранжим,
Эй, Самарқанд — сайқалим, ўзинг рўйи заминсан!

1992 йил.

Илонлар ғори

(«МОВАРОУННАҲР» РОМАНИДАН БИР ҲИКОЯ)

Қумликлар ичидаги жар — Илонлар ғорида, ўн-ўн бир газ пастликда бижир-бижир жонзодлар кўзга ташланарди. Уларнинг ҳам ўз уруғлари — «қавмлари» бордирки, ҳатто бегона, ожизроқ илонни боши учбурчак, уч газли чипор ёки кўлвор илон бақадек ютиб юборарди. Нотинч бўлиб ғазабланганда бошини ердан кўтариб, бақбақаларини ёйиб, қора айри тилларини тез-тез чиқариб турадиган, заҳри олуд[1] (биз уни кўзойнакли илон деймиз) тилларини тез-тез чиқариб турадиган, узоқни яхши кўролмаса ҳам тил билан сезиб пайқайдиган бу илон дунёга машҳур. Унинг заҳри шу даражада ўткирки, дамашқий ҳанжарлар тиғи ҳеч гап эмас: биринчи ҳамладаёқ жонзодни маҳв этади. У ўз ўлжаси — чўл бақасига, тўрғайга, юмронга тикилганида унинг ўткир мунчоқ кўзлари жонзодни сеҳрлаб аврайди, юмрон қотиб қолади. Кокили бор, сакраб юрадиган қумсичқони эса, сеҳрланиб илоннинг очилиб турган қизил оғзига тўппа-тўғри кириб кетади. Косадум ҳам унинг «боқувдаги қўйи». Бақбақадорнинг йилтираб турган қора кўзлари, дамодам ўйнаб чиқиб турган айри тиллари, умуман, бениҳоя совуқ башараси жонзод борки сеҳрлаб аврайди... эчкиэмардан мустасно, ҳар қандай жонзод ҳам бу даҳшатли башарага кўзи тушиши билан ихтиёри ўзидан кетади, ўз мувозанатини ҳам йўқотади. Инсонни таъқиб этиб қувлайдиган илонлар ҳам мавжуд. Чуқурлик — Илонлар ғори остида бир неча жойда инсон бош чаноқлари, қовурға суякларини, қўл-оёқлари кўпдан сочилиб ётарди. Бу — қачонлардир ҳандаққа ташланиб, илон чақиб ўлдирган кимсаларнинг устихонлари.

Яхши кийинган, аммо қўли боғлиқ амир Алп Арслонни аравада етти ясовул Илонлар ғори тепалигига олиб келиб, пастликдаги жарга тикилишди.

— Мени бу ерга не мақсадда олиб келганингизни тушуниб турибман, — деди амир Алп Арслон қилич яланғочлаб турган ясовулларга тик боқиб,—худодан қўрқ майсизларми?! Подшоҳ мени Маккага йўлламоқчи бўлди, ақчаю либослар берди. Сизлар бу ақчаларни олиб, унинг фармонини адо этмай, бу жарликка итариб юбормоқчисизлар! Подшоҳ фармонини бузиб жиноят қилишда Оллоҳдан қўрқмайсизларми? Жиноятчилар!

1. Бақбақадор илон Газанда, Қадимги Миср фиръавнлари бу илон шаклини ўз тожларига ўрнатган эдилар. Қудратли заҳри олуд беқиёс омад бергувчи деб эътиқод қўйганлар.

1.

— Жиноят қилғон бизми ёки сенми? — қаҳ-қаҳ уриб кулди ясовулбоши Ашир чўтир, — сен манглайи қора бир маротаба қўлимдан чиқдинг, энди чиқолмайсен! Сен амир эмассен, подшоҳимиз қариндоши ҳам эмассен, ёлғон сўз демоқдасен. Жароҳатландим... Бунинг учун юз тилло танга тўланади... Сен ҳатто, мени ўлдирмоқчи бўлдинг.

— Мени «сенлама», мен амирмен!

— Йўқ, сен амир эмас, ўғрисен! — деди Ашур чўтир титраб, қақроқ лаблари ёпишиб—сени вазири аъзамнинг ўзлари Илонлар ғорига итариб келинглар, дедилар, итариб юборамен, сен бақбақадорлар чақиб ўлдиришга ҳукм этилгансен! Фахми-фаросати йўқлар сени Ҳажга кетди, деб юраверадилар. Аммо сен, манглайи қора, бунда илонларга ем бўласен! Сенинг тилингни ёмон дедилар, сен улуғ ҳазратни чақдинг, энди сени илонлар чақади! Сен маликамизга кўз олайтирибсен, — бу жиноят-ку! Дунёга келганингга минг пушаймон бўласен! Ҳей, сен унинг устидаги либосларни ечиб ол! — деди Ашур чўтир.

— Қўлимни ечинглар, — деди амир Алп Арслон, — мен ўзим либосларни ечиб бераман. Илонлар ёнига тушадиган бўлганимдан кейин қўлимнинг ечиғ ёки боғлиқ бўлишининг нима аҳамияти бор! Ечинглар! Қўлимни ечсаларинг, бир лаҳза бўлса ҳам илонлар билан жанг қилиб, кейин ўламен... Сизлар юқорида туриб томоша қиласизлар. Ечинглар! Мен қаёққа ҳам қочардим. Номард бўлманглар!

— Ечақол, илонлар билан «жанг»ини томоша қиламиз,— деди чўтир.

— Ечиб ўтирма, қўлингдаги тиғ билан кес! деди зарда билан амир Алп Арслон ясовулга ўқрайиб.

У қўлидаги арқонни қирқиб, илонлар билан олишмоқчи. Нодон! Бир ерига ниш урди, тамом. Ҳа-ҳа-ҳа! Илонлар билан олишмоқчи бу! Кўрамиз, олишасен. Заҳарли илонлар сен билан олишишни кутиб ётишибди.

Қўлдаги арқон қирқилгач, Алп Арслон устидаги либосларини ўзи ечиб, ерга ташлади. Лекин шу лаҳза ясовуллар қиличларининг учини Алп-Арслонга тўғрилаб, уни жар ёқасига суриб бордилар. Шу лаҳза жарлик ёқасидан аллақандай бир катта сариқ илон вишиллаб ўтиб кетди. Отлар ҳуркиб депсинди. Ясовулларнинг ҳам эти жимирлашиб кетди: бу атрофда одамзод юрмас, жарлик — Илонлар ғори хусусида турли қўрқинчли ривоятлар ҳам тўқилган эди!

— Тезроқ жарга итариб юборинглар! Ана, оёқ остида заҳарли илонлар пайдо бўлди. Бу гурсиллаб жарга тушиши ҳамон баъзи илонлар чиқиб бизни қувлаши мумкин. Отнинг оёғига чирмашиб олганини ҳам эшитганмен! Тез бўлинглар, итариб юборинглар! Кейин қочамиз.

Шамшир учини амир Алп Арслоннинг яланғоч танига тўғрилаб, сиққиқ билан жар ёқасига итараётган ясовуллар олдида жанг қилиш, қочишнинг иложи бўлмай, сурилаётган Алп Арслоннинг кўзлари ола-кўла бўлиб, бешафқат жаллодларга тикиларди. Бир лаҳзадан сўнг Алп Арслон жарга қулаб тушди. Озгина чанг чилиб ётарди. Бу — қачонлардир хандаққа ташланиб, илон чақиб ўлдирган кимсаларнинг устихонлари.

Яхши кийинган, аммо қўли боғлиқ амир Алп Арслонни аравада етти ясовул Илонлар ғори тепалигига олиб келиб, пастликдаги жарга тикилишди.

— Мени бу ерга не мақсадда олиб келганингизни тушуниб турибман, — деди амир Алп Арслон қилич яланғочлаб турган ясовулларга тик боқиб,—худодан қўрқ майсизларми?! Подшоҳ мени Маккага йўлламоқчи бўлди, ақчаю либослар берди. Сизлар бу ақчаларни олиб, унинг фармонини адо этмай, бу жарликка итариб юбормоқчисизлар! Подшоҳ фармонини бузиб жиноят қилишда Оллоҳдан қўрқмайсизларми? Жиноятчилар!

2.

Йиғитлик қалъасин топширмам бежанг

ЎЗБЕКИЙ БАРДОШИМИЗ...

Халқлар иродаси-ла вақти етиб топди жон,
Таҳқирланган тилимга кўрк берди буюк Қонун.
Ҳа, менинг Она тилим бўлган эди ломакон,
Энди чинордек яшар, кимса тўколмас қонин!

Чинордек умр кўрур, бу маънони англаган,
Тил севганга босилмас «миллатли» деган тамға.
Қилич каби ярқирар, шашмақомдек янграган,
Муқаддас Она тилим довруқ солар оламга.

«Ҳаммага тушунарлик бўлсин...» ниқоби ила
Баъзилар тилни сотар, виждонини сотгандай.
Оғу тилин чиқариб олға силжийди илон,
Юртни ким севмас экан бу ишни қилмас канда.

Шу кунгача чидади ўзбекий бардошимиз,
Пиҳоний дил андуҳи кўтарилди фавворо.
Буюк мусулмон Шарқи тан олган юртдошимиз —
Ал-Бухорий, Термизий ётди қатламлар аро...

Биз ўзи шунақамиз, кўзимиз кеч очилур —
Баъзан ака-ука ёв, шу ҳам ҳаётми, эвоҳ!
Нафақат Она тилим, сувдан, ердан кетди нур,
Маҳкум эдик қуришга, бу гапга Орол гувоҳ.

Тилни сотмоқ жиноят! Бундай йўл тутган бузғун,
Бутун бир миллатини маҳкум этур ўлимга.
Иншоолло, чаманга киролмас қора қузғун,
Иймону илм қуёши нур таратур йўлимга.

НЕ—НЕ МАШАҚҚАТЛАРНИ КЎРМАДИ ЭКАН БОШИМ...

Тўфонда зўр кемани ташлаб қочмайди Дарға,
Бундай шармандаликни кўтарур қай элу юрт!
На Синбоди баҳрайн, на Баттута, на Буғро...
Лекин туҳмат кўп ёмон, қалбни кемирувчи қурт,
Туҳмат қилиб ўзгага кимса топмаган бахт.

Тузлуғига тупурган, орқароқдан тош отган
Яшамас «десантчилар» бир кун маҳв этгай ўзин!
«Известия» бетида туҳмат-ла халқни сотган —
Нопок қалам аҳлининг заҳарли нопок сўзин
Эшитиб, бу кунларда бошимиз бўлди карахт!

Она юртим шаънига пайдар-пай отмоқда тош,
Ўғлолару ва лекин бадном қилолмас бизни!
Не-не машаққатларни кўрмади экан бу бош,
Авлодларнинг олдида қуёшдек порлоқ юз-ла,
Чордона қуражакмиз — шоҳсупамиз олтин тахт!

Келажаги улуғ юрт! Бахтимни кўра олмай,
Бойлигимга оғзидан суви келиб, чидолмай,
Қалби қора шахсларнинг жойи албат гўр бўлур!
Эркка етган халқимиз меҳнат қилади толмай,
Тикилган ҳасадли кўз қуёшдан маҳрум бўлур!
Туҳмат қилиб ўзгага ҳеч кимса топмаган бахт!

1992 йил Май,

ОҒИР ДАРД

Оғир дардлар бордир кўрмаган инсон,
Эй, Худо, кечиргил, гуноҳкор банданг!
Дилда ўзинг, устда жомакор — жанданг,
Бу ҳокий вужудни қилмагил яксон.

Қондаги ёмон дард — маҳаллийчилик,
Қайдан келди бу дард, лол қолди очун!
Курашиб, югуриб қуриди илик,
Баъзиларга керак шон-шуҳрат учун,
Ўзбекни ўзбекдан ажратмоқ нечун!

Ҳаром томирларни узиб ташлаш савоб,
Баъзан яраларни куйдирган Сино.
Жароҳат инсонни қилмасин кабоб,
Соғлом вужуд ила қурайлик бино.

Бу дард таназзулдир, солади ғорат,
Микроскоп билан ҳам илғашлик душвор.
Йўқотсанг вужудинг қолур саломат,
Эй, Жарроҳ, баъзилар наштарингга зор!

Жонга тегиб кетди маҳаллийчилик!
Баъзан сурбетлардек беюз, беҳаё.
Азобини чекиб қуриди илик,
Қуриб кетсин номард маҳаллийчилик!
Унчаликмас ҳатто энг ёвуз аҳёр!

1992 йил апрель.

ДИЛНАВОЗ ШЕЪРЛАР

Умринг ўтажак, ғам тугамас, ёр кутарми...
Доно кишики ғам ила ғамнок ўтарми.
Ҳар ишқи тушибди, нетасан, бор чегараси —
Ғамни унут, ақли расо дилда тутарми!

• • •

Қалб тепар гурсиллаб бу, дил ҳиҳоби,
Туғён урар қалбда пиҳоний дардим...
Мурдага жон берди севгинг офтоби,
Юз йил илгари ҳам сени севардим.

ЙИГИТЛИК ҚАЛЪАСИН ТОПШИРМАМ БЕЖАНГ...

Ёшингиз ўтибди, юракда сабот,
Вазмину сиполик ҳаловат жонда.
Ақл боғингиз ҳам ярашиғ обод —
Қайнашлар тинибди, осойиш қонда...
Жиндак эт қўйибсиз — икки кифтда гўшт,
Чакка сочларингиз устида қиров.
Суяклар бузилган, сўлқомондай мушт,
Ҳам яхши ухлайсиз, тушда йўқ биров...
Ёшингиз ўтибди дейсан, азизам,
Менга ғоят аччиқ бу сўзлар билсанг!
Балки, сен айтганинг ҳақдир ва лекин
Йигитлик қалъасин топширмам бежанг!
Агар ёнолмасам муҳаббатингда,
Гулгун ҳаётимдан бўлмасман ризо.
Гарчи саботим бор, ёмғиру қишда
Кўчангда кезганим унутмам асло!
Уша ўспиринлик, очин-тўқин юрган
Мажнун кунларимни қайтарсанг жонон,
Бутун давлатимни, бор шавкатимни
Оёғинг остига ташлардим шу он.
Сен ўйлайсан, жоним, осойиш қонда...
Йўқ! Асло! Тинмаган, у — тоғнинг сойи.
Ҳали иззатталаб, шавкат талабмас,
Сенинг ёнгинангда юракнинг жойи.
Ҳамон мен ёнаман, жисмимда чақин,
Ҳамон ишқ ўтида қоврилган тажанг...
Узоқман ва лекин ишқингла яқин —
Йигитлик қалъасин топширмам бежанг!

Асалари ва қурғоқ

(МАСАЛ)

«Нью-Йорк таймс» рўзномасининг мухбири Стивен Эрлангерга

Шафтоли гуллади, ўриклар тугди,
Бу йил мева йили — гувоҳ довучча...
Асаларилар кўп, ғувуллаб учар,
Лаблари бебаҳо, гулларни қучар —
Боғу меваларни тинмай қўриқлар.
Паҳлавон ўзбегим устда оқ яктак,
Енглар шимарилган, меҳнат авжда,
Сумалак ялаган, тоза қон мавжда,
Биллурий булоқлар — сувларим яхдек...
Ҳар ким ўз ишини қиларкан, Бурга
Меҳнат жараёнда кирди яктакка.
Ва ғулга интилар, на тушар ерга,
Кўйлагим ичида талайди якка.

Ҳой, Бурга! Тинчлик бер, ишимни қилай.
Уз сўзлик Узбекмен, қайтмам йўлимдан!
Тилинг расво экан, тилингни тилай,
Элнинг лаънатини бошингга илай!
Меҳнат қуролини бермам қўлимдан!

Узбек кўйлак ечиб, ташлади қоқиб,
Бургажон сакрабон бўлди ғойибий...
Ҳасад қилма асло, тилгинангни тий!
Бетгинанг суллоҳроқ. Шафтоли тик боқиб.
Шафтоли гуллади, ўриклар тугди,
Асаларилар кўп — бу халқнинг бахти.
Паҳлавоним ишлар, толмас тер тўкиб,
Темурий салтанат бўлғай пойдор,
Минг йиллар бўл омон ўзбегим, тахтим!

1993 йил, март.

ҚАТРАЛАР

(ҲАЖВ ДАФТАРИДАН)

ШУЛ ЭРУР АЙБИМ МУҚИМИЙ...

Меҳмон иззати бошимиз узра! Биз, ўзбеклар азалий меҳмондўст халқмиз. Аммо меҳмонратдан узоқ, тўнканамо бир меҳмон биродаримиз беқиёс раққосага мана бундай ўйнаш керак, шоирга эса мана бундай шеър ёзиш керак, деб ўргатса малол келмайдими! «Қизил империя»га мадҳлар бўлган бу ҳақиқат, лекин ҳамма ҳам маддоҳ бўлган эмас. Мукаррамахону Аброр ака адибу академикларимиз, Уста Ширину, Уста Усмон, Ризамат отаю Ҳамроқул акаларнинг маҳорату заковатига тупурсалар, бизга малол келади.

ҚАТРАЛАР АДАБИЁТ ҚУЁШИ

Дунёда қавмлар, фирқалар, гуруҳлар кўп. Барча қавму фирқалар, ким бўлишидан, йўлидан, мақсадидан қатъий назар Қуёшга қарайдилар, ундан баҳраманд бўладилар. Чумолидан тортиб Филгача қуёшга қарайди. Қуёшу ер, ҳавою сув ҳаёт беради.

Адабиёт қавми ҳам шундай — унинг қуёши ОНА ХАЛҚ, ОНА ЕР муҳаббати. Шундай экан, яъни қуёшу заминимиз бор экан, адабиёт ўлмайди!

ДАРДУ АНДУҲ ЮРАКДА

«Соқол оқи ўлимга пешравдур, тириклик ҳилқати узра қировдур...» деган эдилар ҳазрат Амир Алишер Навоий, Нодон маҳшарни ўйламайди, асл инсон яратганнинг иродасига бўйсунади.

Камина, мана етмиш ёшга кириб олдилар, шукр қиламан, дунёнинг тўртдан бирини кезиб чиқдим, дунёнинг тўртдан бир дарду андуҳи ҳамон юракда...

ҚУРАМА

СУНБУЛ

Бир хонанда «Сочи сунбул» деган ашулани ўн йилдан бери беҳис айтарди. Сунбул нималигини билмасди ҳам...

Сунбул, ботаниклар маълумотича, соябон гуллилар оиласига мансуб гиёҳ бўлиб, чўл ва адирда ўсади. У еттисаккиз йилда вояга етиб, ҳаётни мобайнида бир марта чиройли гуллайди, меваси ерга тўкилиши билан ўзи ҳам қуриди.

Эй, хонанда, асло қурима, аммо сунбулдек озроқ, созроқ гулла. Шайх Саъдий ҳам бундай хонандалар ҳақида шеър айтибдилар:

Хуш овоз хонанданинг қўшиғи истироҳат,
Сен қандай хонандасан, жим турсанг жонга роҳат.

САЪДИЙ ДЕГАН...

Созанда сози, шоир шеъри, адиб китоби билан тирик. Адабиётшунос-танқидчи ўз фикру мулоҳазалари билан тирик. Баъзи танқидчилар кўп йилларгача буён сукут сақлашади. Начора, оғзидан сўзлари чиқмагунча донодек кўриниб тураверади, деган Шайх Саъдий.

«Пистани бемағз агар лаб во кунед расво шавад...»

ДУШМАН ҲАҚИДА

Қурол-яроғ ушлаб, жанг майдонига тушганимда душман билан рўбарў бўламан ва олишаман, деб кўп фаромуш бўлаверма. Баъзан у сен билан ёнма-ён юради — қора юракни пайқамайсан... Алишер Навоий бу ҳақда демиш: «Душман кўзингга кўринмаганн билан ундан бепарво бўлма, шамол ҳам кўзга кўринмай келиб шамни ўчиради...».

Ҳафталик кўрсатувлар

Душанба, 12. IV

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Тошкент» студияси. «Болалар».
8.20 «Таваккал Қодиров куйлайди». Фильм-концерт.
8.45 «Четга оғиш ноль». Бадиий фильм.
10.05 «Шарқнинг қадимий ёдгорликлари». Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика. Электролиз ҳодисаси.
11.00 «Фермерлар», «Пирим ороли». Телефильмлар.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Математика. Ўнли касрлар ва улар устида ишлаш.
12.00 «Меҳр». Ишчи ёшларга ғамхўрлик.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кичкинтой» устахонаси.
18.40 «Қибрай лавҳалари».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Мулоҳаза». Спектаклда мусиқа ва қўшиқнинг ўрни.
20.00 Дунё хабарлари.
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Гулбаҳор Эрқулова куйлайди.
21.45 «Давлатнинг қудрати — қонун устиворлигида».
22.15 «Лев Толстой». Бадиий фильм 1-серия.
23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Совға».
18.40 «Ансамбль». Телефильм.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.00 Дунё хабарлари.
20.10 «Бизнинг суҳбат».
20.30 «Миришкорлар».
21.00 «Наврўз».
21.30 «Салом, ёшлар».
22.15 «Тараддуд».
22.40 «Ойижон, мен тирикман». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 «Якунлар».
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Қўшиклар». Мультфильм.
8.30 «Марафон-15» — старт».
9.15 «Брэйн-ринг».
10.05 «Сиз учун учрашув». Виктор Астафьев.
11.00 Янгиликлар.
11.20 Илмий-оммабоп фильм.
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Телемикст».
15.10 «Ён дафтар».
15.15 Мультфильмлар.
15.40 «440 герц».
16.20 «Иқболи кулганда».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.20 «Технодром».
17.30 Мультфильм.
17.40 Санъат усталарининг концерти.
19.10 Рукн премьераси. «Ҳафтанинг акс-садоси».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Оппоқ либослар». Етти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-серия.
21.45 «Спорт уик-энди».

«Янги студия» таништиради:

22.00 «Монтаж» («Мен»).
22.10 «Қаранг-чи, ким келди!».
22.25 «АТВ-брокер».
22.35 «Бироқ...».
22.50 «Монтаж» («Шарж»).
23.35 «Бомонд». Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Ишбилармон кишилар даври.
7.55 Тонгги концерт.
8.10 Мутлақо махфий. «С. П. Королев таржимаи ҳолидан баъзи бир саҳифалар». Ҳужжатли фильм.
9.30 «Бола тилидан...».
10.00 «Истеъдодлар ва мухлислар».
11.00 Ишдан бўш пайтингизда.
11.15 Кундузги сеанс. «Сизни гражданка Никанорова кутяпти». Бадиий фильм.
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.05 «Топилсин ва зарарсизлантирилсин». Бадиий фильм.
14.30 Кипрас Мажейка. «Кичик Европа»дан репортажлар.
15.05 Янгиликлар.
16.20 «Американинг ёввойи табиати». Ҳужжатли фильм премьераси. 6-фильм.
15.50 Трансросэфир. «Аис этиш».
16.35 «Россияда бизнес».

17.00—19.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

19.00 Душанба куни детектив. «Лаки страйк» таништиради. «Севги ёки пул». Бадиий фильм. «Криминал ҳодисалар» туркумидан.
19.55 «Мен сенинг овозингни қайта эшитдим».
21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.25 Спорт кўрсатуви.
21.35 «Формула-1» классида автопойга бўйича жаҳон чемпионати.

Сешанба, 13. IV

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.29 «Куйла, дуторим». Фильм-концерт.
7.50 Дунё хабарлари.
8.00 «Қувноқ эскадрон». Бадиий фильм.
9.05 Ўзбек тилини ўрганамиз.
9.35 Болалар учун. «Илҳом чашмалари».
10.15 «Ўзбекистон». Телевизион киножурнал.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика. Ахборотларни кодлаш усуллари.
11.00 «Кичкинтой» студияси. «Танишинг, Ширинтой».
11.30 «Қизил Яримой шуъласи».
12.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Истиқлол фидойилари». Телеочерк.
18.30 София Сафтарова куйлайди.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Спортлото».
19.25 «Фахрийлар—фахримиз».
20.00 Дунё хабарлари.
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 «Сумалак» халқ рақс ансамблининг концерти.
21.30 «Адолат». Ҳуқуқий публицистик кўрсатув.
22.10 «Лев Толстой». Бадиий фильм. 2-серия.
23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Мусиқий меҳмонхона.
20.00 Дунё хабарлари.
20.10 «Йўлингиз бехатар бўлсин!».
20.40 Шарқ лирикаси.
21.00 «Бу оқшомда».
22.10 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 17.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Қувноқ нотачалар».
8.35 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.20 «Провинциал салон».
9.40 «Гол».
10.10 «440 герц».
10.50 «Матбуот-экспресс».
11.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

11.20 «Покров дарвозаси». Телевизион бадиий фильм.
13.35 Мультфильм.
13.50 «Эркак ва аёл». Телефильм премьераси (Башкортостан Давлат телерадиокомпанияси).
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Ишбилармонлар хабарномаси».
14.40 «Адам Смит бойлиги дунёси».
15.10 «Ён дафтар».
15.15 «50х50» томошаси.
16.30 «Гол».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Дунёнинг томонлари» кўрсатувини таништиради.
17.55 «Мулкдор алифбоси».
18.10 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.55 «Мавзу».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Оппоқ либослар». Етти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 6-серия.
21.50 Космонавтика кунига бағишланган концерт. Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.
24.00 «Максима».
00.30 «L—клуб».
01.15 «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Ишбилармон кишилар даври.
7.55 Мультфильм.
8.05 «К-2» таништиради. «Оскар-93».
9.50 «Саховат кўрсат».
10.35 «Параллеллар».
10.50 Кундузги сеанс. «Чукотка бошлиғи». Бадиий фильм.
12.20 Мульти-пульти.
12.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.45 «Вероника». Мусиқий кўрсатув.
14.05 «Бурда моден» тавсия этади...
14.35 «Телебиржа».
15.05 Янгиликлар.
15.20 «Рост» студияси. «Кенгуру».
15.50 Трансросэфир. «Замоскворечье байрам».
16.35 Мультфильм.
16.45 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессияси.

17.00—19.05
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

19.05 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 153-серия.
19.55 «Мариинск театрида В. Андреев номидаги халқ чолғу оркестрининг юбилейи». 1-кўрсатув.
20.40 «Бизнес: янги номлар».
21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.25 «Асил ҳолича».
22.25 «Бўйсунмас купина».
23.20 Криминал хабарлар экрани.
23.50 Спорт кўрсатуви.
23.55 «Санъат майдони».

Чоршанба, 14. IV

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Ҳамал қувончлари». Қашқадарё вилояти Ғузор туманидан кўрсатув.
7.45 Дунё хабарлари.
7.55 «Инсон қалби ҳақида қисса». Бадиий фильм. 1-серия.
8.55 «Табиат — ҳаёт чашмаси». Кинопрограмма.
9.45 Турк тили.
10.15 «Ёш рассомлар кўргазмаси».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Биология. Ўзбекистон табиатини муҳофаза қилиш.
11.00 «Аёл қадри...».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Кимё. Металлар. Саноатда металларнинг олиниши.
12.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Талабалик йилларим».
18.35 «Қуёш кулган кун». Навоий вилоятида Наврўз тантаналари.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Қўшиқларда қолган муҳаббат». Бахтиёр Йўлдошев.
20.00 Дунё хабарлари.
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 «Ватани севмоқ имондандир...».
21.30 «Инсон ва замин». Наманган вилоятидан кўрсатув.
22.30 «Бир лаҳзалик қўрқув». Бадиий фильм.
23.55 Кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Суҳбатга чорлаймиз».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Иқтисодчилар мактаби».
20.00 Дунё хабарлари.
20.10 «Спринт».
20.30 «Космонавтика уфқлари».
21.15 Ҳужжатли фильмлар саҳифаларидан.
22.15 «02» тўлқинида.
22.35 Голландияда бўлиб ўтган халқаро театр фестивали ҳақида.

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 20.25, 23.35 —Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.25 Мультфильм.
8.35 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.20 «Деразаси телемарказга қараган уй». Телефильм премьераси (Иркутск).
9.40 «Менга қўшиқ куйлаб бер, Прокошина».
10.10 «Веди».
10.50 «Матбуот-экспресс».
11.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

11.20 «Уч йил». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.
13.40 Мультфильм.

*

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Телемикст».
15.10 «Ён дафтар».
15.15 Мультфильм.
15.45 «Қизлар ўртасидаги сир».
16.05 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин!»
16.20 «Парвоздаги уй». Кўп серияли мультфильм премьераси. 7-серия (АҚШ).
16.50 «Технодром».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.20 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Қутқариш учун буюртма» кўрсатувини таништиради.
17.45 «Инсон ва қонун».
18.15 «Америка М. Таратута билан».
18.45 «Мўъжизалар майдони».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Оппоқ либослар». Етти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 7-серия.
21.55 «Матбуот-экспресс».
22.05 «Останкино-93» хит-паради.
23.00 Янгиликлар.
23.40 «100 С». Журналистик тадқиқот.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Ишбилармон кишилар даври.
7.55 Тонгги концерт.
8.10 «Асил ҳолича».
9.05 «Ксюша ҳузурида».
9.35 Ишдан бўш пайтингизда.
9.50 «Санъат майдони».
11.05 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 153-серия.
11.55 «Пилигрим».
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.05 «03» кўрсатуви.
13.35 «Мутлақо махфий».
14.30 «Мансаб алифбоси».
14.45 «Сигнал».
15.00 Янгиликлар.
15.15 «Рост» студияси. «Бефойда сабоқлар». 1-қисм.
15.45 Трансросэфир. «Узоқ Шарқ».
16.30 Христианлар учун кўрсатув.

*

17.00—19.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

19.00 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 154-серия.
19.55 «Катта жанжал». Рукн премьераси.
20.40 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессияси.
21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.25 «Катта давра».
21.40 «Улар анчадан бери кутишяпти».
22.25 «Номлар». М. Шуфутинский. «Ҳақиқат онлари» кўрсатувига илова.
23.20 Парламент хабарномаси.

Пайшанба, 15. IV

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Дарахт ва унинг новдалари». Телефильм.
7.55 Дунё хабарлари.
8.05 «Инсон қалби ҳақида қисса». Бадиий фильм. 2-серия.
9.20 Араб тили.
9.50 «Хоразм». Телефильм.
10.00 «Қишлоқ тадбиркорлари».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника. Уруғ.
11.00 «Абдулла Қаҳҳор». Телефильм.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Табиатшунослик. Усимлик ва ҳайвонот олами.
12.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп кўрсатув.
18.55 Киноолавҳа.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Камолот йўли...». Муяссар Қосимова ва Сойибжон Ниёзов.
20.00 Дунё хабарлари.
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 «Марказий Осиё давлатлари: ягона мақсад йўлида».
21.25 «Дилларда баҳор». Киноконцерт.
22.05 «Урдак кўли воқеаси». Бадиий фильм.
23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Мусиқий дақиқалар.
18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Ёнғиндан сақланинг».
20.00 Дунё хабарлари.
20.10 Тижорат канали. «Наврўз» — дўстларимиз шодиёнаси.
20.30 «Бу оқшомда».
21.45 «Оила».
22.45 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 17.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Тингланг, томоша қилинг».
8.40 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.25 «Ҳайвонот оламида» (сурдо таржимаси билан).
10.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
10.50 «Матбуот-экспресс».
11.00 Янгиликлар.
11.20 Театр шинавандалари, Сизлар учун! С. Михалков. «Балалайкин ва К». Фильм-спектакль.
13.30 «Озодликнинг бир лаҳзаси». Хроникал-ҳужжатли видеофильм премьераси.
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Телемикст».
15.10 «Ён дафтар».
15.20 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Таниш нотанишлар» кўрсатувини таништиради.
15.45 Мультфильм.
16.15 Сурия телевидениесининг кўрсатувлари.
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.25 «Клаус Штайльман. Ҳаммабоп мода».
18.00 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.30 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.15 «Сиёсат» студияси таништиради.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.20 Сурия телевидениесининг кўрсатувлари. Телеэкранда биринчи марта. «Доклад». Бадиий фильм (Сурия).
22.05 «30 йил ва уч дақиқа».
22.35 Ф. Шопен асарларидан концерт.
23.00 Янгиликлар.
23.35 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин».
00.05 «Матбуот-экспресс».
00.15 Футбол. «Уэмбли сари йўл».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Ишбилармон кишилар даври.
7.55 Мульти-пульти.
8.15 «Нота бене» студияси.
9.10 Л. Пантелеев. «Ишонаман». Телеспектакль.
10.15 Мультфильмлар.
10.30 «Чернобиль Момоҳавоси». Ҳужжатли фильм.
10.40 «Параллеллар».
10.55 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 154-серия.
11.45 «Қадимий Сурия тупроғида».
12.35 «Видеошеърият». Г. Державин.
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.05 Такрорий фильмлар кинотеатри. «Санников ери». Бадиий фильм.
14.35 Ҳужжатли фильм.
15.05 Янгиликлар.
15.20 «Маглубиятсиз ўйин».
15.45 «Трансросэфир».
16.30 «Ишнинг кўзини биладиган одам».

*

17.00—19.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

19.20 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 155-серия.
20.10 Мультфильм.
20.25 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.
21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.25 «Устанинг дастхати».
22.20 Спорт кўрсатуви.
22.25 «Ватаним менинг».
23.20 «Клип хиёбони».
23.35 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.

Жума, 16. IV

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Танбур». Фильм-концерт.
7.45 Дунё хабарлари.
7.55 «Қўш қопқон». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.
10.00 «Чаман гулдастаси». Мукаррама Турғунбоева таваллудининг 80 йиллиги олдидан. Республика ўқувчилар саройи қошидаги «Чаман» фольклор рақс ансамблининг концерти.
11.00 «Мактаб ва ҳаёт».
11.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).

* * *

17.45 Кўрсатувлар тартиби.
17.50 Янгиликлар.
18.00 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. Олий лига. «Пахтакор» — «Бинокор» (Қибрай). 2-тайм. «Пахтакор» Марказий ўйингоҳидан олиб кўрсатилади.
18.50 «Ўзбекистон». Телевизион киножурнал.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Элга хизмат». Ўзбекистон Республикаси Ут ўчириш хизматининг 75 йиллигига.
19.50 Мусиқий дақиқалар.
20.00 Дунё хабарлари.
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 «Янграсин шўх яллалар». Концерт.
21.55 «Мерос». Усмон Носир таваллудининг 85 йиллиги олдидан.
22.35 «Жадвалдан ташқари поезд». Бадиий фильм.
23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

17.30 Хабарлар.
17.40 Мультфильм.
17.45 «Байкем, Эжем жана бизз».
18.00 «Манбаларга қайтиб». Дунган тилида кўрсатув.
18.30 Хабарлар (рус тилида).
18.40 «Дабагер Нурали».
19.10 Криминал ҳодисалар.
19.30 «Жаз эргуусу».
20.30 Хабарлар (қирғиз тилида).
20.50 «Назар» (билдирувлар, эълонлар).
20.55 Қирғизистон Республикаси Олий Кенгашининг сессиясида.

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 Мультфильм.
8.35 «Зазеркалье». «Гўзал Василиса». Бадиий фильм.
10.00 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
10.50 «Матбуот-экспресс».
11.00 Янгиликлар.
11.20 «Америка М. Таратута билан».

Кундузги киноэкспресс

11.50 «34-тезюрар поезд». Бадиий фильм.
13.10 «01» эшитади». Ҳужжатли фильм премьераси.
13.20 Мультфильмлар.

*

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Бридж».
14.50 «Бизнес-класс».
15.05 «Ён дафтар».
15.10 Г. Свиридов. «Қор ёғмоқда». Хотин-қизлар ва болалар хори учун кичик кантата.
15.25 «Зазеркалье». «Гўзал Василиса». Бадиий фильм.
16.50 «Иш».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.20 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Қутқариш учун буюртма» кўрсатувини таништиради.
17.45 «Инсон ва қонун».
18.15 «Америка М. Таратута билан».
18.45 «Мўъжизалар майдони».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
20.40 «КТВ-I» ва «Франс интернасиональ» каналари таништиради. «Улкан улуш». Бадиий фильм премьераси (Франция).
22.05 «Матбуот-экспресс».
22.15 «Чучукмия». Телефильм.

«ВИД» таништиради:

22.25 «Сиёсий бюро».
23.35 «Музобоз».
00.15 «Автошоу».
00.30 «Хит-конвейер». Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Ишбилармон кишилар даври.
7.55 Мультфильм.
8.05 «Ватаним менинг».
9.00 «Тилла шпора».
9.30 «Фольклор».
10.00 Театр сафари. Петербург Малий драма театрининг Лев Долин саҳналаштирган «Шайтонлар» спектаклида.
10.45 Ишдан бўш пайтингизда.
11.00 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 155-серия.
11.50 «Оқ қарға».
12.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.00 «Ижица».
13.30 «Гап-гаштакларни қўмсаб».
14.00 «Калугадаги 20-мавсум».
14.30 «Телебиржа».
15.00 Янгиликлар.
15.15 «Рост» студияси. «Бефойда сабоқлар». 2-қисм.
15.45 «Трансросэфир».
16.15 Мульти-пульти.
16.25 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.
16.55 Спорт кўрсатуви.

*

17.00—17.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.00 Турк тили.
17.25 Жума куни Дисней. «Ер сайёрасига юборилган». Бадиий фильм. 6-серия.

*

18.15—19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Спорт гимнастикаси бўйича жаҳон чемпионати.

*

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
21.20 Мусиқали дақиқалар.
21.40 Телеэкранда — премьера. «Улим унчалик қўрқинчли эмас». Бадиий фильм.
23.15 «Телематн».

Шанба, 17. IV

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

*

8.00 Дунё хабарлари.
8.10 «Фалокат оёқ остида». Бадиий фильм.
9.40 «Алифбо сабоқлари».
10.10 «Дилимизда, тилимизда Навоий бобо».
10.50 «Муҳандис».
11.30 «Ёшлик» студияси. «Баҳс».
12.30 «Олий таълим истиқболи».
13.05 «Халқ ижодиёти». Қўриклар, якунлар, режалар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Усмирлар учун. «Умид учқунлари».
18.40 Самбо бўйича Ўзбекистон чемпионатидан репортаж.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Илмий лаборатория ва ўқув аудиториялари».
19.40 Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаева куйлайди.
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Туркистон» ахбороти.
21.00 «Ижод саҳифалари». Омон Матчон.
22.00 «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат».
22.30 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Темирйўлчи» (Қўқон) — «Динамо» (Самарқанд). 2-тайм (ёзиб олинган).
23.15 «Подшо Пётр арапни уйлантиргани ҳақида ривоят». Бадиий фильм.
00.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

17.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 7.30, 14.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Эрталабки гимнастика.
6.10 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
6.55 Янгиликлар.
7.35 «Матбуот-экспресс».
7.45 «Моторлар оламида».
8.10 «Марафон-15»— кичкинтойларга».
8.35 «Ўз-ўзингга мадад бер».
9.05 Шанба кунги дастхат.
9.35 Инсон институти.
10.05 «Мусиқий дўкон».
10.35 «Қизил космос». Телефильм премьераси.
11.05 Ногиронлар ижоди I Бутунроссия фестивали.
12.15 «Учовлон, етовлон, туз» телеўйини таништирилади. Кино асри, кинонинг туғилиши.
12.30 «Афсонавий омадли эркаклар». Бадиий фильм премьераси (Чехословакия).
14.00 Янгиликлар.
14.25 «Марказий экспресс». Европа тележурнали.
14.55 «Ультра-си». Спорт кўрсатуви. Спорт гимнастикаси. Жаҳон чемпионати.
15.50 «Бўри ва қуён: 25 йил биргаликда».
17.10 «Қизил квадрат».
17.50 «Қойилмақом етовлон».
18.45 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Ун цент учун ўлим». Бадиий фильм премьераси. «Майк Хаммер» телесериалидан.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.20 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Анна Каренина». Уч серияли бадиий фильм премьераси. 2-серия.
21.20 «Буюк ва кўримас Китеж шаҳри ҳақида ривоят». Телефильм премьераси.
21.50 «Матбуот-экспресс».
22.00 Янгиликлар.
22.35 «Анюта». В. Гаврилин мусиқасига ёзилган балет.
00.20 Телефильм.
00.30 Диний байрам. Москва шаҳридаги Богоявлен бош черковидан олиб кўрсатилади.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.20 «Оламга ўз нигоҳи билан қараш».
7.50 Мульти-пульти.
8.00 «Калит» кўрсатуви.
8.30 «Рост» студияси. «Бизнинг «Аралаш-қуралаш».
9.00 «Пигмалион».
9.30 «Кузирхоним».
10.00 Такрорий фильмлар кинотеатри. «Самиков-ер». Бадиий фильм.

*

11.40—16.00
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

1. «Безнен мирас» (татар тилида).
2. «Интерспорт».
3. «Умид» (уйғур тилида).
4. «Ягона оилада». Ўзбекистон Давлат телерадиокомпаниясининг «Булбулча» болалар жамоаси ҳақида.
5. «Дўстлик маршрутлари бўйлаб».
6. «Дийдор» (қозоқ тилида).

*

16.00 «Чегарасиз футбол».

*

17.00—17.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

17.25 Мультфильм.
17.40 «Ҳаёт ҳам, кўз ёшлари ҳам, муҳаббат ҳам».

*

19.20—20.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

20.00 Футбол бўйича Россия чемпионати. «Локомотив» (Москва) — МАСК. 2-тайм.
20.45 Катталар учун мультфильм.

*

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.25 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.
21.55 «Дмитрий Панининнинг қайтиши».
22.25 Москва патриархияси хори куйлайди.
22.55 Мусиқа кирик планда.
23.30 Спорт кўрсатуви.
23.35 «А» программаси.
00.35 Муқаддас Пасха байрами.

Якшанба, 18. IV

● ЎзТВ I

7.00 «Шифобахш ўсимликлар атрофимизда», «Самарқанд». Телефильмлар.
7.30 «Баҳор тароналари». Концерт.

*

8.00 «Туркистон» ахбороти.
8.30 «Маҳоҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 12-серия.
9.15 Инглиз тили.
9.45 «Яшил чироқ». Хоразм ва Қорақалпоғистон командаларининг баҳси.
10.45 «Фанга бағишланган умр». Академик Жўра Саидов.
11.35 «Дўстлик риштаси». Ўзбекистонлик ёш ижодкорларнинг Япония таассуротлари ҳақида.
12.05 «Кичкинтой» студияси. «Қўнғироқча».
13.05 «Тошкент» студияси. «Менинг маҳаллам».
14.05 Корхонам — иккинчи уйим». Ҳужжатли фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Мультипанорама».
18.45 «Аҳвол қандай, чемпион!». Спорт кўрсатуви.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Билиб қўйган яхши».
19.40 Тўлан Низом. «Чўлпон». Видеофильм.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Марҳабо, талантлар!». Ўзбекистон Республикаси бадиий ҳаваскорларининг телевизион фестивали. Сурхондарё вилояти.
22.30 «Оқсоқ Дарвиш». Бадиий фильм.
00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

8.05—1105 «Баластан» студияси кўрсатади. «Хуш хабарлар»; «Жилдиздуу бала»; «Бобок, сенин жомогун»; «Кимде куноо!». 2-кўрсатув. «Фазогирлар кўчаси». Бадиий фильм, мультфильм.

* * *

17.30 Мультфильм.
17.45 Немис тилида кўрсатув.
18.15 Телетомошабинларнинг талабларига биноан концерт (рус тилида).
19.00 «Бугун — тарихий эсталиктерди коргоонун эл аралик куну».
19.30 «Қирғиз онор адамдари». Қирғизистон Республикаси халқ артисти К. Медетбеков.
20.30 Хабарлар (қирғиз, рус тилларида).
20.50 «Энг ёқимли ва жозибадор». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.50, 7.30, 14.15, 21.45 — Кўрсатувлар тартиби.
5.55 «Руҳни чиниқтириш».
6.55 Янгиликлар.
7.35 Эрталабки гимнастика.
7.45 «Спортлото» тиражи.
8.00 «Марказ».
8.30 «Эрта саҳарлаб». «Денвер — динозаврларнинг энг сўнггиси». Кўп серияли мультфильм премьераси.
9.00 «Ҳозирча ҳаммаси жойида».
9.35 «Ақлли болалар ва ақлли қизлар».
10.15 «Пи» белгиси билан.
11.05 «Қора кўркам от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли телефильм премьераси.
11.30 Спорт гимнастикаси. Жаҳон чемпионати.
12.10 «Янги авлод танлайди».

«КТВ-1» ва «Франс интернасиональ» канали таништиради:

13.00 «Пиф ва Геркулес». Кўп серияли мультфильм премьераси.
13.10 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.
14.00 Янгиликлар.
14.20 «Ҳунарли хор бўлмайди».
14.30 «Саёҳатчилар клуби».
15.20 Мультфильмлар премьераси: «Каспер ва унинг дўстлари», «Ҳақиқий ажина овловчилар».
16.20 «Эфирда бевосита мулоқот».
17.05 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
17.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.00 Мультфильм.
18.10 «Мариинскда променад».
19.10 Телеэкранда биринчи марта. «Юпитернинг сонини ўғирлашди». Бадиий фильм.
20.55 Эълонлар.

*

21.00 «Якунлар».
21.50 «Матадор».
22.50 Катталар учун мультфильм.
23.00 Янгиликлар.
23.15 «Тонг юлдузи» тунги эфирда.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.20 «Муқаддас якшанба».
8.05 «Рост» студияси. «Бефойда сабоқлар».
8.35 «Гап-гаштакларни қўмсаб».
9.05 «Ати-бати...».
9.35 Кипрас Мажейка. «Жанубий Африкадан репортажлар».

*

10.05—11.05
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

1. «Наврўз — меҳр-шафқат тадбирлари».
2. «